Мустақил ўрганиладиган мәнбалар нисбатан содда, ўқитувчи изохларини талаб қылмайдын даражада бўлиши зарур. Кейинчалик эса талабада тажриба ортиб борган сари мураккаброқ даражадаги материалларни аста-секин тушуниб бориши, эслаб қолиш нұқтаи назаридан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган материални топишга қўйилган саволларга жавоб бериш нұқтаи назаридан ёндошиш лозим. Мазкур ҳолатда талабалар ўқув адабиёти билан ишлаш жараёнининг самарасини яққол кўрадилар. Бу эса ўз навбатида, маъносига тушунмай, ёдлаб олишга интилишни бартараф қиласди. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳар қандай таълимни тўғри ташкил этишда мақсад, жараён ҳамда натижка энг муҳим кўрсаткичлар саналади. Таълимий учлик – «мақсад – жараён – натижка» нинг ўрта бўғинига ҳозирда эътибор кучайган бўлса-да, бир қатор педагог олимлар ушбу занжирнинг бошидаги ва охиридаги ҳалқаларини чуқур ўрганмоқдалар. Масалан, бу соҳада Чикаго университети профессори Бенжамин Блум томонидан билим олиш соҳасидаги ўқув мақсадлари таксономиясининг яратилиши диққатга сазовордир. Бу эса мустақил таълимни ташкил этишда таълим воситаларини қўллашни тақомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Рус олимларидан Н. А. Марозова мустақил таълимни талабаларнинг мустақил ишлари орқали янги билимларни ўзлаштириши, маълумотлар кенгайиши, амалий қобилият ва кўниммалар шаклланиши ва талабанинг таълимдан қаноатланиш жараёни билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Мустақил таълим ўз-ўзини ҳаракатга келтириш асосида ривожлантиришнинг самарали усулидир. Мустақил таълимни шакллантириш жараёни орқали талабаларда таълимга бўлган онгли қизиқишини уйғотиш зарур. Талабаларнинг ўқув фаолиятини кузатиш давомида шу нарса аниқландики, онгли қизиқиш мустақил фаолиятга ундовчи, ҳавас уйғотувчи куч бўлиб ҳисобланади. Онгли қизиқиш – мустақил фаолиятнинг энг муҳим кўрсатгичи, юқори даражасидир. Бу эса фанлардан дарс берадиган педагог-ўқитувчилар маҳоратининг даражасига боғликлиги сабабли талабаларда у ёки бу фан ёхуд касб мутахассислигига нисбатан қизиқиш шаклланади.

Олий таълим тизимида мустақил таълим икки хил шаклда: аудиторияда (мустақил иш) ва аудиториядан ташқарида (мустақил билим олиш) амалга оширилади.

Мустақил иш аудиторияда бажарилиб, унда ўтилган мавзуни қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар бажарилади. Шунингдек, ўқув дастуридаги айrim мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриш, берилган мавзуларни конспеклаштириш ва бошқа шу каби топшириқлар ҳам мустақил иш тарзида бажарилиши мумкин.

Мустақил билим олиш (ўрганиш) аудиториядан ташқарида бажарилади. Унда ижодий ва илмий тадқиқот ҳарактердаги ишларни бажариш ҳамда билим эгаллаш учун ахборот излаш, йиғиш, таҳлил қилиш, таққослаш ҳамда хуносалаш каби фаолиятлар мустақил амалга оширилади. Мустақил билим олиш маълум мақсадга йўналтирилганлиги билан ажralиб туради.

Одатда, олий таълим муассасаларда ихтисослик фанларни ўқитиши жараёнида талабалар мустақил таълим олишлари жараёнида кўпроқ қўшимча

адабиётларга мурожаат қиласидилар. Аксарият талабалар уйга берилган топшириклар устида ишлайдилар, рефератлар тайёрлашда илмий-оммабоп ва даврий нашрлардан фойдаланадилар. Бу эса мавжуд ахборот-ресурс марказлари ва тегишли “интернет кутубхона” имкониятидан оқилона фойдаланиш, уларнинг захираларини янада кенгайтириб боришни талаб этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ихтисослик фанларни ўқитишда мустақил таълимни самарали амалга ошириш учун қўйидаги мезон ва талабларга риоа этиш талаб қилинади:

- мустақил таълимни ташкил қилишга тизимли ёндашиш;
- унинг барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;
- мустақил таълим топширикларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;
- мустақил таълимнинг ўқув-услубий таъминотини яратиш ва такомиллаштириб бориш.

Олий таълим тизимида фанларни ўқитишда мустақил таълимни самарали ташкил этиш ижодий фикрловчи, рақобатбардош, етук мутахассислар тайёрлашда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

### **Хулоса**

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишида мустақил таълимни ташкил этиш масаласини назарий ва методик жиҳатдан ишланганлик даражасини ошириш лозим. Бунинг учун ихтисослик фанларни ўқитишда талабаларда мустақил ишлаш кўнкимга ва малакаларини шакллантириш самарадорлигини ошириш мақсадида модулли тизим асосида машғулотларни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш, талабаларнинг мустақил ишлашларига имкон берувчи моддий-техник базани мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаш ҳамда мустақил таълимни ташкил этишда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи маҳсус электрон дастурлар, дарслик ва қўлланмалар яратиш лозим.

### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т: Ўзбекистон 1996 й, 231-б
2. Морозова, Н. А. Организация самостоятельной работы студентов в условиях проектирование ООП ВПО, реализующих требования ФГОС / Н. А. Морозова. М - 2010. 70 с

Гаипов Дилшод Жумабекович  
(Тошкент, Узбекистон)

## ЎЙИНЛАР – ЭВРИСТИК ЎҚИТИШ МЕТОДИНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ СИФАТИДА

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўйинларни эвристик ўқитиши методининг муҳим шакли сифатида таҳлил қилинган. Шунингдек, ишчан ўйинларнинг ташкилий жиҳати турли ҳаракат моделларни имитациялашада намоён бўлиши ҳамда муаммоларнинг вужудга келиши ва уларга ечим излаш жараёни ўзида мужассамлаштириши ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** ўйин, ишчан ўйинлар, эвристик методлар, эвристик ўқитиши, ўқув жараёни, компетенциявий ёндашув, индивидуаллаштириши, эвристик тафаккур, мустақил иш, нуқтаи назар, топшириқ, мулоқот, ўзини ривожлантириши.

Эвристик метод педагогикада ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантирувчи, уларда мақсадга йўналтирилган, сермаҳсул ўқув-билув ҳаракатларини таркиб топтирувчи метод сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Эвристик метод инновацион, универсал метод хисобланади. У эвристик саволлар, топшириқлар, машқлар шаклида намоён бўлади.

Эвристик методлар сирасига синектик метод ҳам киради. Синектик (юнон. sunergeia – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) метод – жамоавий интеллектуал фаолиятнинг психологик асосларини ўзида мужассамлаштирган тасвирий-ижодий иш туридир [1; 98-б.] .

Уни қўллаш методикаси ақлий ҳужум методига ўхшайди. Ушбу метод ижодий фаолият тажрибасига эга бўлмаган ўқувчилар билан ишлаш давомида қўлланилади. Бунинг учун ижодий фаолиятга оид тажрибаларни тўшплаш усуллари билан ишлайдиган ўқувчилар гурухини жамлаш талаб этилади. Бунда ўқув-билув йўналишидаги маҳсус тайёргарлик жараёни амалга оширилади. Бошланғич синф ўқитувчилари ҳам мазкур методни қўллаш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Синектик машғулотлар қўйидаги таркибий тузилишга эга: танишиш мақсадида уни таҳлил қилиш, дастлабки ечимларни саралаш, муаммони англаш, ўхаш саволларни топишга ундаш, муаммоларнинг ўхаш жиҳатларини уйғунлаштириш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш, янги ғояларни уйғунлаштириш учун уларнинг ўхаш жиҳатларини излаб топиш, муқобил варианtlарини танлаш, янги муқобил ғояларни илгари суриш, янги ғояларни ривожлантириш ва унинг ижобий жиҳатларини баҳолаш.

Дидактик ўйин методидан турли-туман кўринишларда фойдаланиш мумкин: ишчан, ролли ва бошқарувга асосланган, ташкилий фаолиятили ўйинлар. Педагогик жараёнда энг кўп тарқалган ўйин тури ишчан ўйинлардир.

Эвристик методлар ўқувчиларнинг руҳиятига қўйидаги шаклларда таъсир кўрсатади. Барча муносабатларни йўналтириш ва қатъий таҳлил қилиш, таълим жараёни субъектларининг ўқув ҳамда касбий фаолияти жараёнида вужудга келган муаммоларни бартараф этиш талаб қилинади.

Ишchan ўйинларнинг ташкилий жиҳати турли ҳаракат моделларни имитациялашда намоён бўлади. Мазкур ўйинлар муаммоларнинг вужудга келиши ва уларга ечим излаш жараёнини ўзида мужассамлаштиради.

Б. Садуллаевнинг фикрича, ишchan ўйинлар таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи характерга эга бўлиб, уларнинг мазкур жиҳатлари педагогик жараёnda ривожланиб боради. Ишchan ўйинлар ўзининг дидактик имкониятига кўра ўкувчини фаоллаштирувчи, ривожлантирувчи характерига эга. Ишchan ўйинлар ўкувчиларнинг шахсий сифатларини такомиллаштирувчи педагогик восита хисобланади. Мазкур ўйинлар икки хил характерга эга: касбий ўкув фаолияти ва унда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш имкониятига эга [2; 31-б.].

Ўкувчиларда билим, кўникма ва компетенцияларни ҳосил қилиш ўкув предметини ўқитиш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнида амалга ошади. Билимлар ижтимоий ҳаётда фаол қўллаш, ўкувчиларда ижтимоий фаолият тажрибасини ҳосил қилиш мақсадида уларга тақдим этилади. Муайян сюжет билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар динамикаси, касбий вазиятларнинг яхлит манзарасини шакллантириш мақсадида эвристик машғулотлар ташкил этилади. Ишchan ўйинлар жараёнида ўкувчилар интеллектуал ҳамкорлик кўникмаларини ҳам ўзлаштирадилар. Шунингдек, муайян касбга оид қадриятли йўналишлар ва қоидаларни ҳам ўзлаштириш имконини беради [3].

Ишchan ўйинларни қўллаш жараёнида ўқитувчи умумпедагогик ҳамда хусусий педагогик принципларга таянади. Улар:

- ўкув ҳамда касбий фаолиятни имитацион моделлаштириш;
- ўйинни ташкил этища ранг-барангликка асосланиш;
- педагогик бошқариш кабилар.

Ушбу принциплар ўйинга асосланган ўкув жараёнининг таркибий қисмлари, мантиқий асослари, ички алоқадорлиги, тизимли қўллашнинг самарали омилларини ўз ичига олади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўйинларнинг педагогик жиҳатдан ўзига хослиги ва фойдалилиги ўқитувчи факат ўкув ёки ўйин мақсадини алоҳида алоҳида илгари сургандан ўз аҳамиятини йўқотади. Бундай вазиятда ўйинларнинг шакллантирувчилик аҳамияти пасаяди. Дарснинг барча мақсадларини мувофиқлаштирган ҳолда ўйиннинг ривожлантирувчилик функциясига алоҳида эътибор қаратилгандагина унинг самарадорлиги ва эвристик моҳияти ортади.

Ўкувчиларда шахсий сифатларнинг ривожланишида ишchan ўйинлар бир қатор имкониятларга эга:

- ўрганилаётган ўкув материалларини тизимлаштириш, ҳаётга яқинлаштириш ва имитацион моделларини шакллантириш;
- фаолиятнинг алоҳида компонентлари ва таркибини шакллантириш;
- ўкувчиларни билимларни эгаллаш эҳтиёжи, унга эришиш йўллари ва усуслари, уни сақлаш, ўкув жараёни ҳақида чукур ўйлаш, шахсий фаолликка ундаш, ҳиссий майллардан онгли равишда касбий майлларга ўтиш имкониятларини кенгайтириш учун қулай шароит яратиш ва ўкув жараёнини реал воқеликка яқинлаштириш имконини бериши;
- педагогик жараённинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функцияларини уйғунлаштириш;

- ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишлари, ўз фаолиятларини намоёт этишлари, ўз-ўзларини бошқаришларини таъминлаш.

Ишchan ўйинлар ўқувчилар ўзлаштиришлари зарур бўлган фаолиятнинг мазмун моҳиятини англаб етганларидан кейин ташкил этилади. Унинг ўзига хос жиҳатларини ойдинлаштириш ва таянч тушунчаларни ўзлаштиришга кўмаклашади.

Юқорида таъкидланган талабларга амал қилинмаган ҳолларда ишchan ўйинлар ўқувчиларга билим бериш, уларни ривожлантириш ва тарбиялаш имкониятига эга бўлмайди ва ўзининг педагогик аҳамиятини йўқотади.

Ишchan ўйинларнинг турли-туманлиги ўзининг мураккаблик даражасига кўра қўйидагиларда намоён бўлади:

- имитацион машқлар;
- ўқув касбий вазиятлар тахлили;
- муайян ролларни бажариш

Ишchan ўйинларнинг тўлақонлилиги қабул қилинадиган ечимлар доирасида ўқув, касбий фаолиятни уйғунлаштириш имконини беради. Эвристик ўқитиш методининг саамарли шакли сифатида ишchan ўйинлар бошланғич синф ўқувчиларини мулокот ва изланишга ундаш, уларни самарали ижтимоийлаштиришда мухим педагогик восита бўлиб ҳизмат қиласди.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Педагогика: энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. 424-бет.
2. Садуллаев Б. Б. Ишchan ўйинларнинг турлари ва уларнинг дидактик самарадорлиги // Bola va zamon. №4. –Тошкент, 2014. Б.30-33.
3. Андреев В. И. Эвристика для творческого саморазвития / В. И. Андреев. – 2-е издание. - Казань.: Академия, 1994. — 237 с. - ISBN 77-20215-0592-7.

Зайнидинова Зулхумор Исамаддинова  
(Самарканд, Узбекистан)

## ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тарихимиизга назар ташласак, Шарқда яратилган қатор ноёб асарлар ёшларни маънавий-ахлоқий шакллантиришда асосий мезон, қоида, кўлланмана ва маслаҳатлардан иборат қайдномалар сифатида хизмат қилиб келган. Бу борада айниқса Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бустон”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Навоййнинг “Махбуб ул-кулуб” ва “Ҳайратул Аброр”, Ҳусайн Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний” каби асарлари ўзбек миллый ахлоқини, маънавиятини, қадрияларини юксалтиришда катта аҳамиятта эгадир.

Буюк аллома Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида оила ва фарзанд хусусида тўхталиб, шундай деган: “Энг биринчи галда насл-насабни тоза сакламоқ, асли қадди-қийматини билмоқ, инсон тарбиясининг гултоҳидир. Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдун холи бўлмагусидир. Ота-онанинг иши сенга парвариш қилмоқдир ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдир. Эй фарзанд, шул важдан ота-онангни сағал ҳам ранжитмагил.”

Мазкур фикрлар ёшларни маънавий-ахлоқий шакллантиришда, уларда ақл юзасидан ота-онага муносабатда бўлишида, уларга нисбатан мурувватли бўлишларида катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Оилада болаларга берилган одоб яхшилик билан ёмонликни фарқини билиш, фойда билан зарар ўртасидаги тафовутни англашга ўргатиши лозим. Чunksи одоб воситасида инсон ўз жонини ёмон хислатлардан асрайди, ёқимсиз айблардан поклайди ва чиройли фазилатлар билан ўз хулқини таркиб топтиради.

Буюк мутафаккир меросида оилада болага сингдириладиган ақл, одоб, ҳаё, инсонпарварлик асосий ахлоқий мезон сифатида қаралади. Бундай ахлоқий сифатларни шакллантиришда ҳикматларнинг роли каттадир. Маълумки ҳикмат барча илмларнинг булоги, у кишини боқий саодат сари етаклайди. Шу борада Ҳаким Афлотун айтган экан: “Баданинг жароҳати даъво билан, жоннинг жароҳати ҳикмат билан тузалади.”

Ўзининг “Шоҳнома” асари билан машҳур бўлган Абулқосим Фирдавсий инсонни бутун борлиқнинг энг баркамоли, тараққиёт чўққиси, барча нарсаларни яратувчиси ва ижодкори деб билади.

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳам инсонни юксакларга кўтариб, инсонларни “Ҳазрати инсон” деб атайди.

Оилада комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишида Фаробийнинг педагогик қарашлари катта аҳамиятга эга. Унинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари умумий дунёкараши тамойилларига асосланади ва инсон ҳақидаги таълимотдан ҳамда психологияга оид қарашлардан келиб чиқади.

Фаробий асарларида педагогикага оид, яъни инсоннинг ижтимоий моҳияти, унга таълим ва тарбия бериш зарурияти, бунинг учун нимага

асосланиш лозимлиги, тарбия услублари ва ундан кутилган мақсад каби масалалар кенг ўрин олган.

Айниқса унинг ижтимоий ва ахлоқий масалаларга оид рисолалари “Бахт-саодатта эришув ҳақида”, “Ақр мャнолари ҳақида” ва бошқа асарларида инсон қамолоти масалалари фалсафий жиҳатдан шарҳлаб берилган.

Үрта аср Шарқининг машхур алломаси Абдураҳмон Жомийнинг меросида фалсафа, этика, педагогикага тегишли қатор асарлар жой олган. Унинг “Бахористон”, “Хиродномаи Искандарий”, “Хухфатул-аброр” каби асарларида таълим-тарбия, қасб-хунар, ахлоқ-одобга доир бир қатор таълимий ва услубий фикрлар баён этилган.

Ёш авлодни тарбиялаш ва юксак фазилатли инсон даражасига етказиш ўтмишнинг бой маънавий меъросидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Буюк аллома Абу Райхон Беруний ўзининг “Ёдгорликлар”, “Хиндистон”, “Китоб ас-Сайдони”, “Ал-қонуни ал-масъудий” каби асарларида одоб, ахлоқ, нафосат, меҳнат тарбияси, оила, оиласида ота-она тарбияси хусусида қимматли фикрлар билдирилган.

Кишиларнинг юриш-туришлари, ўзларини тутишлари ва шахсий гигиена масалалари алломанинг “Минералология” асарида ўз аксини топган.

Берунийнинг оиласида одоб-ахлоқ тарбиясини амалга ошириш ва уни услубларини такомиллаштириш соҳасидаги фикрлари катта аҳамиятга эга. Унинг таъкидлашича оиласидаги ёмон тарбия нафақат оиласининг, балки бутун жамиятнинг фожиасидир.

Оила тарбияси масаласи буюк аллома Абу Али ибн Синони ҳам бефарқ қолдирмаган. У ўзининг кўплаб асарларида оиласида бола тарбияси, уларнинг саломатлиги, энг муҳими мутафаккирлар ичидаги биринчи бўлиб бола руҳиятини ўрганиш асосида тарбиявий муносабатда бўлиш ҳақидаги фикрни кўтариб чиқди. Унинг “Ишороат”, “Донишнома”, “Тиб қонунлари”, “Тадбири манзил” ва бошқа асарларида оила ва оиласидаги тарбия масаласида қимматли фикрлар билдирилган. Унинг таъкидлашича: “Агар оиласида, оила бошлиғи тажрибасизлик, нўноқлик қилса, у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва оқибатда ёмон натижалар келиб чиқади”. Ибн Сино оила ва бола тарбиясида шундай дейди: “Ота-онанинг ким бўлишидан қатъий назар уларнинг биринчи ва энг муҳим вазифаси бола тарбиясидир”.

Ибн Сино оиласида болаларни тарбиялашда унинг ёшлигидан бошлаб фақат яхши қиликларга ўргатишни, бу қилик эса келажақда унинг характеристига айланниб мустаҳкам иродали бўлиб етишишини таъминлайди.

Шарқда ўзининг даҳо асари бўлган “Қутадғу билиг” билан машҳур бўлган мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб инсон боласи ҳаётда нимаики яхшиликка эришса, фақат билим туфайли эришиши мумкин, деб шундай ёзади: “Билим агар ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон, ярамас ишлардан инсонни тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади”. Унинг фикрича оиласидаги энг фазилат эзгу қилиқ ва гўзал хулқ эканлигини ўқтириб, ростгўйлик, ҳаё барчаси бирлашса инсон мукаммал бўла олади.

Юсуф Хос Ҳожиб бола тарбияси бобида шундай фикр билдиради: “Одамзод онасидан билимсиз бўлиб туғилади. Аммо у билиб, ўрганиб, тўрга

чиқади. Бахт-иқбол, очиқ құнгил одамға ярашади. Агар у камтар бўлса, хусн устига хусн. Одамгарчиллик эса ҳамма эзгу ишларга асос бўлади.”

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асари бугунги кунда ҳам нафақат фарзандларни маънавий-ахлоқий шакллантиришида, балки биз катталараппинг ҳам давр талаби билан ҳамнафас бўлиш, ўз-ўзимизни мутассил тарбиялаб боришимизда ҳам катта аҳамиятга эга.

Оила ва айниқса бола тарбияси мавзуси буюк шеърият султони Алишер Навоийнинг адабий меросидан муҳим ўрин эгаллайди. Унинг “Ҳамса”, “Маҳбуб ул-кулуб” асарларида шу масалага катта аҳамият берилган.

Навоий ижроининг асосий мезони идеал инсонни кўришдан иборат. Шунинг учун ҳам у барча асарларида ёшларнинг тарбияси ҳақида гапириб, нима яхши, нима ёмон, ижобий хулқлар қандай ҳосил қилинади, ёмон хулқлардан қандай холос бўлиш йўлларини очиб беради.

Навоий инсонда камтарликни шакллантириш, болага илму адаб ўргатиш, фарзандларнинг ота-онани хурмат қилишлари каби масалаларни бетакрор мазмундаги шеърият билан ифода эта олган.

Бола тарбиясида устозга бўлган хурмат эҳтиромни ифода этар экан Навоий шундай дейди:

“Халқ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила  
Айламак осон эмас ҳаққин адоминг ганж ила.”

Марказий Осиёда XX-аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек педагогика фанига асос соглан, миллый тарбияни тарғиб этган Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон, ёхуд ахлоқ” асари билан шуҳрат қозонди. Унинг бу асари Кайковуснинг “Қобуснома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб” каби тарбиявий аҳамиятга эга асарларидек аҳамиятга эга.

Абдулла Авлоний педагогик меросининг асосий мезонини комил инсон ташкил этади. Айниқса унинг ижодида оиласда болаларни тӯғри тарбиялаш, маънавиятли қилиб ўстириш муҳим ўрин эгаллайди.

Абдулла Авлоний педагогик фаолияти давомида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда умуминсоний ва миллий қадриятлардан унумли фойдаланишни тарғиб этади. У бола тарбияси билан шуғулланувчиларни табибга ўҳшатади. Табиб хастанинг баданидаги касалини даволаганидек, тарбиячи боланинг вужудидаги ёмонлик ўрнига “яхши хулқ” даъвосини беради.

Абдулла Авлоний шундай дейди: “Болага тарбияни туғулган кунидан бошламок, вужудини қувватлантирмоқ, ахлоқини гўзаллаштирумок, зехнини равшанлаштирумок лозим, бунда асосан оила тарбияси жуда зарурдир.”

Абдулла Авлоний таърифи билан айтганда: “Тарбия инсон учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат бўлиши билан бирга, тарбия нафақат инсон ҳаёти, балки жамиятнинг қандай ҳолатда эканлигини белгилаб берувчи омилдир.”

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёш авлодни яхши хулқли, комил инсон қилиб тарбиялашда шарқ алломаларининг фикрларидан кенг миқиёсда фойдаланиб, айниқса, педагогика ўкув адабиётлари сахифаларида акс эттириб бориш йўли билан оммалаштириш ишларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

**СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Абу Наср фаробий “Рисолалар” Т.”Фан”1975 й.
2. Х. Аликулов “Жалолиддин Давоний”Т. “Ўзбекистон” 1992 й.
3. Кайковус “Қобуснома” Т. “Мерос”1992 й.
4. С.Рахимов “Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида” Т. “Ўқитувчи” 1967 й.
5. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон, ёхуд ахлоқ” Т. “Ўқитувчи” 1992
6. Донишмандлар тарбия хусусида. Т. “Ўқитувчи” 1992 й.

**Закирова Дилфузахон Сайдолимовна  
(Фарғона, Узбекистон)**

**ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ  
ШАКЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА**

**Аннотация.** Мазкур мақолада “толерантлик” тушунчаси мазмуни ва моҳияти ҳамда талаба-ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириши долзарб педагогик муаммо эканлиги асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** талаба, ёшлар, бағрикенглик, толерантлик, толерантлик тафаккури, файласуф, диншунос, тарихчи, педагог, сиёсатшунос, миллатлар, маданиятлар, эътиқодлар, урф-одатлар, динглар.

Ўзбекистонда мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига киришда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёшларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган ислохотлар доирасида олий таълим муассасалари ўкув мазмунига толерантлик тафаккурига оид компетенциявий ёндашувларни жорий этиш имкониятини кенгайтироқда.

Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълимтарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирларида юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳукуқбузарликлар ва жиноялтар содир этилишининг олдини олиш” [1] каби вазифалар белгиланган. Бу эса толерантликнинг ижтимоий-педагогик заруриятидан келиб чиқиб, ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш технологияларини ишлаб чиқиш, унинг дидактик, аксиологик ва акмеологик мазмунини такомиллаштириш, бу борада педагогик ҳамкорлик ва интеграцион омиллар хусусиятларини белгилаш, мавжуд тизимдаги педагогик фаолиятни оптималлаштириш заруратини юзага келтироқда [2, 5].

Толерантлик тафаккурининг ижтимоий, фалсафий, тарихий, психологик, педагогик ва социологик жиҳатлари файласуф, диншунос, шарқшунос, тарихчи, педагог, сиёсатшунос олимлар томонидан ўрганилган. Ўзбекистонда толерантлик ғояси “бағрикенглик” тушунчасининг турли қирраларини ўзида мужассам этади. Бағрикенглик ғояси ўзбек халқининг миллий тафаккуридан чукур илдиз олган тушунчадир. Мустақиллик билан толерантлик тушунчаси ижтимоийсиёсий ва фалсафий-тарихий тушунча сифатида мафкуравий жараёнларга қайта кириб келди [2, 6].

Толерантликнинг ижтимоий-сиёсий воқеиқдаги зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари Д. Алимова, Х. Бобоев, И. Жовлиев, А. Закрулаев, Э. Каримова, З. Мунавваров, Н. Раҳмонов, И. Саифназарова, З. Қодирова, З. Ҳуснутдинова, М. Ҳажиева, М. Шарифхўжаев каби олимлар томонидан умумий тарзда ўрганилган бўлиб, бағрикенглик тушунчаси ижтимоийфалсафий синтегма сифатида баҳоланади.

МДХ мамлакатларида таълим олувчиларда толерантлик тафаккурини шакллантириш муаммоси Н. Б. Агабаян, М. И. Рожков, М. А. Ковальчук, Л. И. Антонова, В. М. Куницина, Н. Л. Оконешникова, Н. А. Саблина, Э. Соколоваларнинг илмий-тадқиқот ишларидаги ёритиб берилган.

Толерантлик инсонлар, миллатлар, маданиятлар, эътиқодлар, урфодатлар, динлар, мафкуралараро турли ижтимоий-сиёсий муносабатларни мувозанатда сақлаб туриш меъёридир. Педагогик нуқтаи назардан, толерантлик жамиятдаги турли иқтисодий, маънавий, мафкуравий ва диний қадриятлар тизими доирасида инсон ахлоқига нисбатан қўйиладиган маълум этик-эстетик норма ва талаблар мажмунини ташкил этади.

Тарихий шаклланишига кўра толерантлик динларга бўлган холис муносабат, динларни бир-биридан устун қўймаслик, ажратмаслик, инсон диний эътиқодига эҳтиром, эътиқодлилар ва даҳрийлар хуқуқларининг хурмат қилиниши каби моҳияттан зарур бўлган ғояларни ўз ичига қамраб олади.

Толерантлик дунёвий давлатнинг энг зарур ижтимоий-маънавий хусусиятларидан бўлиб, замонавий жамиятларда инсонлар орасидаги турли фарқларга нисбатан тенг ва сабр-бардошли муносабат сифатида талқин қилинади [2, 11].

А. Г. Асмолов “толерантлик” тушунчасининг мазмунига уч муҳим хусусиятни киритади. Булар: инсон сабр-тоқати ва бардоши билан боғлиқ хусусиятлар; бошқаларга нисбатан ҳам жисмоний, ҳам маънавий-руҳий жихатдан қаноатли бўлиш хусусияти; инсонлараро муносабатларда агресив амалларнинг қатъий ман этилиши.

Рус олими Г. Д. Дмитриев замонавий демократик жамиятлар бош хусусиятларидан бири толерантлик мафкураси эканлигини қайд этади.

Фарблик Риэрдон Бетти Э., Т. Адорно, М. Хоркеймэр, Ж. Эллпорт, С. Мендус каби олимлар фикрига кўра, замонавий жамиятлардаги толерантлик тамойиллари модели интеллектуал эркинлик ва бошқаларга нисбатан мутлақ, яъни абсолют бардошлилик мезонларидан иборатдир.

И. В. Цветкованинг фикрига кўра, толерантлик феномени рус жамиятия учун ҳанузгача ёт тушунча бўлиб қолмоқда.

Р. Г. Апресян толерантлик мазмуни “бардош қилиш” тушунчасидан анча кенгайиб бораётгандигини қайд этади.

П. А. Сорокиннинг фикрига кўра, толерантлик бугунги кунда, бир томондан, англанган, иккичи томондан, фаол муносабат сифатида шакллантирилган хусусиятга тўғри келади. Бу жараённи “мехрли сўзга учмаслик, кўпол сўздан ранжимаслик” тарзида англаш тўғрироқ бўлади. Бироқ, В. А. Тишковнинг ўқтиришича, ақлий салоҳият ёки билимнинг ўзигина толерантлик мезони бўла олмайди.

Р. Р. Валитова толерантлик тарбияси ёшлар ичидаги учраб турадиган ҳар қандай агресив ҳолатларнинг олдини олишга қаратилиши зарур, деб ҳисоблайди. Шу боис, Б. З. Вульфов толерантликка ўргатувчи инсон, яъни ўқитувчининг ана шу қадриятларни ўзига синдириган бўлиши лозимлиги борасида сўз юритади.

Г. Р. Акрамованинг фикрига кўра, “Ўқувчида толерантлик тушунчаларини шакллантиришдан мақсад жамият аъзолари орасида барқарор ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш”дан иборатдир. Г. Арипова

толерантликни кўп қиррали ижтимоий-психологик категория сифатида баҳолайди.

Бизнинг фикримизча, толерантлик инсоннинг шахслараро, жамиятлараро муносабатларга кириша олиш қобилияти, унинг турли зиддиятли вазиятларга тайёрги ва муаммоларни адекват хуласалаши каби хусусиятларни ҳам ўз мазмунига қамраб олади [2, 13-14].

Замонавий таълим жараёнининг асосий функцияларидан бири талабаларни дунёга очиқ қарашга, янгиликларни қабул қилиш қобилиятини шакллантиришга, инновацион ва тадбиркор бўлишга, бошқа одамларнинг фикрларига чидамили бўлишга, тез ўзгарувчан шароитларга мослашишга ўргатиш муҳимдир. Замонавий инсонга хос бўлган хусусиятлар таълимтарбия жараёнига жуда катта масъулиятни юклайди;

- бир томондан, талабаларнинг дунёқараси ва ижтимоий ҳаётига виртуал оламнинг таъсири кундан-кун ортиб бораётгани натижасида (турли интернет ижтимоий каналлари: facebook, telegram, watsaph, odnoklasniki.ru ва бошқалар) селфипарастилик, эгоцентризм, худбинлик авж олаётгани билан;

- иккинчи томондан, таълим мухитида педагогнинг интеллектуал салоҳияти яъни унинг ўзи ўргатаётган фанини чукур ўзлаштираётганидан ташқари, педагогик хусусияти: талабалар билан яхши муносабатда бўлиши, ижтимоий тармоқларда ва ҳозирги кунда дунёда бўлаётган воқеаҳодисалардан хабардорлиги ва уларга муносабатини, буларнинг барчаси таълим берувчи сифатида ўзини намоён қилиши билан;

- учичидан эса, ўқитувчиларнинг ўзини айнан бугунги кундаги толерантликнинг педагогик мазмуни билан танишириш лозимлиги (профессор - ўқитувчиларни таълим мухитида бош педагог ва таълим жараёнини ташкил қилувчилар сифатида толерантликнинг кўп қиррали замонавий мазмунига доир билим ва малакалар билан куролланиши зарурлиги) билан;

- тўртингидан эса, таълим мухитининг ўзига хос бетакор маънавийрухий анъаналари, таълим берувчи ва таълим олувчилар (профессор – ўқитувчи ва талабалар) ўртасидаги яқин, меҳр ва мурувватга асосланган алоқаларнинг мавжудлиги (мана шу таълим мухитидаги анъанавий қадриятларни сақлаб қолган ҳолда, толерантликнинг замонавий мазмунини ҳам таълим мухитига сингдириш зарурлиги) билан белгиланади [3, 11].

Глобаллашув кўлами кенгайиб бораётган бир даврда талабалар тафаккурига толерантлик фояларини сингдириш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш керакки, фалсафий контексда толерантлик маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотга бўлган зарурият билан изоҳланса, педагогик-нўқтаи назарга кўра эса у коммуникатив кўринишдаги ижтимоий воқелик, замонавий педагогиканинг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади [3, 13].

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшлиарни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори.

2. Кушакова Г. Э. Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш технологияси (олий таълим муассасалари мисолида): п.ф.б.ф.д. (PhD) дисс. автореф. Самарқанд – 2020.
3. Саматов Д. Т. Таълим мұхитини барқарорлаштиришда толерантлик тамойилининг педагогик асослари (Олий таълим муассасалари мисолида): п.ф.б.ф.д. (PhD) дисс. автореф. Наманган – 2019

УДК 371 +003

Захро Ахмедова, Кучкарова Камила, Рустам Мамажонов  
(Фергана, Узбекистан)

## EFFECTIVE STRATEGIES FOR IMPROVING WRITING SKILLS

**Abstract:** the purpose of this article is to provide research-based techniques successful in improving the writing skills of EFL students. The findings suggest that through the use of technology, pre-taught vocabulary, various teacher influences and the implementation of positive diverse literacy practices, this goal can be attained.

**Key words:** language acquisition, writing process, innovative technology, interactive websites, collaboration, class competitions, literacy

### ЭФФЕКТИВНЫЕ СТРАТЕГИИ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ ПИСЬМЕННОГО НАВЫКА

**Аннотация:** целью данной статьи является предоставление методов, основанных на исследованиях, позволяющих улучшить письменные навыки студентов. Полученные результаты свидетельствуют о том, что с помощью технологии, заранее обученного словарного запаса, различных влияний учителей и применения положительных разнообразных практик грамотности может быть достигнута.

**Ключевые слова:** овладение языком, процесс письма, инновационные технологии, интерактивные сайты, сотрудничество, конкурсы, грамотность

Writing has always been seen as an important skill in English language acquisition. This importance is due to the fact that it reinforces grammatical structures and vocabulary that educators strive to teach their students. It is the area in which learners need to be offered adequate time to develop their writing skill, therefore more time should be devoted to it in classrooms containing ELLs so that they will be prepared to effectively communicate in real life as well as academic situations. Exposing them to the writing process itself through various venues is an excellent way to reach this goal. Additionally, writing skills can be developed when the learners' interests are acknowledged and when they are given frequent opportunities to actually practice writing. Because one of the main goals of EFL students is to learn to produce a well-thought-out piece of writing, a specific writing program must be in place in order to meet the needs of these learners.

The rise of technology integration has significantly contributed to the change in teaching reading and writing in learning foreign languages. These recent developments reveal that rapid changes in literacy have taken place as a result of the arrival of the computer and the development of other new technologies. Consequently, the pressure on teachers to keep up with such developments and to raise standards in their classrooms is ever present. Not only does it motivate and encourage EFL students to engage in reading and writing, but the various ways it is used proves beneficial in cultivating writing skills among this population of students.

In order to improve writing skills of English language learners, educators must consider new and innovative methods for their instruction. Current methods are simply not moving these students to the level of proficiency that is expected of them. A safe environment can reduce EFL anxiety and provide opportunities for risk taking which is necessary to produce even adequate writing. Scaffolding coupled with peer work provides English language learners the support they need to facilitate the writing process. Finally, diverse literacies along with technology, work together to capture their interest while motivating them to succeed in the writing classroom. When students are given opportunities to write for authentic meaning-making, message-sharing purposes, they can enjoy the benefits of writing even when they are beginning readers and writers who are doing so in a language they have not yet mastered.

Now, the teacher could use interactivewriting and grammar websites filled with games and activities for the students to participate in as a whole group. The ELs had a renewed excitement for this unit, as interactive websites have become visual representations of the content as well as class competitions. Whole-group and small-group games focus on writing conventions, and they allow ELs the opportunity to work within the zone of proximal development where they are able to acquire more vocabulary and more complex language structures.

When the laptops are used in class, the students will be able to visit websites to independently play the grammar “games”. They can improve their writing skills as well as the lessons and methods will be fun, engaging, and used innovative technology.

For interaction around the computer to take place, there must be collaboration between two or more people. Collaboration is defined “as a process in which two or more learners need to work together to achieve a common goal, usually completion of a task or the answering of a question”. During this collaboration around the computer in constructivist tasks (of which process writing forms a part), students are constantly negotiating meaning, clarifying, confirming, repeating and noticing. As mentioned previously, these conditions are necessary for language learning to take place as well as providing the opportunity for scaffolding, comprehensible input and comprehensible output. Structuring collaboration for it to be successful around the computer is related principally to the idea that “no-one is successful unless everyone is successful”.

There is no doubt that experience and good textbooks do help a lot, but technology has proved to be one of the best tools because adolescents love all kinds of gadgets and software. Teenagers are always so involved with attractive and fast-paced webpages and social networking sites that a classroom, a teacher and a board seem boring and unattractive to them.

For this reason, I think that newer technology can be an effective way to catch students’ attention and interest and help me lead my students along the path of learning a foreign language. Although choosing a good textbook has certainly made my life easier as a teacher, I often feel like going beyond text books and surprising students with a different project.

Outcomes of using innovative methods enhancing writing skills in teaching foreign languages can be summarized as following:

Firstly, innovative technologies can contribute to the development of students writing performance as well as they can be motivational for the students.

Secondly, they require students to work in a collaborative learning environment. Besides, they increase students' autonomous learning.

Finally, they allow students to write with a low stress environment which encouraged students to communicate in English without worrying too much about making mistakes.

**REFERENCES:**

1. Baradaran, A., & Sarfarazi, B. (2011). The impact of scaffolding on the Iranian EFL learners' English academic writing. *Australian Journal Of Basic & Applied Sciences*.
2. Bitchener, J., Cameron, D., & Young S. (2005). The effect of different types of corrective feedback on ESL student writing. *Journal of Second Language Writing*,
3. Ghandoura, W. A. (2012). A qualitative study of ESL college students' attitudes about computer-assisted writing classes. *English Language Teaching*.
4. Webb, S. A. (2009). The effects of pre-learning vocabulary on reading comprehension and writing. *Canadian Modern Language Review*.

УДК 371.153+370

Комилова Арофат, Маматова Барно  
(Фергана, Узбекистан)

## БАДИЙ АДАБИЁТДА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

**Аннотация:** бу мақолада шарқ халқларининг ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилиши, аввало, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданий савиаси, қолаверса диний этиқоди билан боғлиқлиги кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** тарбия, баркамол авлод, халқ, нафс, маърифат, маънавият.

## ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА В ВОСПИТАНИИ ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ

**Аннотация:** эта статья свидетельствует о том, что внимание Востока к воспитанию подрастающего поколения связано, прежде всего, с их образом жизни, традициями, культурным уровнем и религиозной принадлежностью.

**Ключевые слова:** воспитание, гармонично развитое поколение, народ, желание, образование, духовность.

**Abstract:** this article attests to the fact that the attention of the Orient to the upbringing of the younger generation is primarily related to their lifestyle, traditions, cultural level, and religious affiliation.

**Key words:** pbringing, harmoniously developed generation, people, desire, education, spirituality

Шарқ халқлари азалдан ёш авлод тарбиясига катта эътибор қартишган. Бу фазилат, аввало, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданий савия тақозоси билан, қолаверса диний этиқоди билан боғлиқ. Чунки ислом дини ва эътиқоди инсон тарбияси, ахлоқи ва илм-хунар ўрганишга асосий эътибор қаратади, инсонларни етуклика, комилликка чақиради. Абу Наср Фаробийнинг фикрича комил инсон бу – ақилли деб шундай кишига айтамизки, унда ўтқир зеҳн, идрок бўлиши билан бирга, у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг ақл-идрокни яхши ишлар амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга қаратади”, дейди.

Ибн Сино “Донишнома” асарида ўз-ўзини идора қилишни ҳам илм дейди. Бунинг сабаби одам ўзини идора қилиш учун ўзлигини, яъни ким ва қандай инсонлар тоифаси (наслу насаб)га мансуб эканлигини англаши керак бўлади. Ҳадиси шарифда ҳам “Ўзини таниган Роббисини (Яратувчини) танийди” дейилади. Ўз-ўзинианглаш осонлик билан амалга ошириладиган иш эмас. Боиси бу ишда Шахс ва Жамият ҳамкорлиги жуда ҳам муҳим. Яъни шахснинг хоҳиш иродаси ва жамият таъсири - тарбия зарур бўлади. Таълим-тарбия ишининг энг тасирли воситаларидан бири ёш авлодни бадий адабиёт орқали тарбиялашдир. Зеро адабиёт арабча “адаб”сўзидан олинганинги ҳам нутумаслик керак. Узбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом

Каримов ўзининг “Юксак манавият – енгилмас куч” асарида адабиётнинг инсон хаётидаги ўрини ва аҳамиятига алоҳида тўхталар экан, жумладан, шундай дейди: “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қурратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг мухандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта”.

Улуғ марифатпарвар Абдулла Авлоний инсонлар тарбиясида адабиётнинг бекиёс аҳамиятга эга эканлигини ўзининг назарий ва амалий фаолияти орқали исботлайди. “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” номи асарида Авлоний яхши хуљли кишилар нафс тарбияси орқали вояга етиши мумкунлигини ўқтиради. Нафс тарбияси эса мумтоз адабиётимизда асосий ғоялардан бири ҳисобланади.

Шарқмутафаккирининг тарифларига кўра ҳаёт дунёси, жонли нарсалар уч хил кўринишга эга. Бўлардан бири – ҳайвоний, иккичи – шайтоний, учинчиси – раббоний, яъни фаришталарга хос софлик, покизалик, сифатларига эга бўладилар. Инсонлар ана шу уч сифат ва қувватнинг бирлигидан яралган эмиш. Кимнинг вужудида агар ҳайвоний ҳислар ғолиблик қиласа, у, албатта, одамдан кўра онгиз маҳлукотларга яқин, шайтоний ҳислатлар ҳукмрон бўлса, шайтонга ўртоқ, раббоний ёки илоҳий фазилатлари устун бўлса, фариштасифат зот бўлар экан. Тасаввуф таълимоти асосида ривожланган мумтоз адабиётимизнинг улуғ вакиллари Аҳмад Яссавий, Пахлавон Маҳмуд, Хоризмий, Лутфий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр, Хувайдо ва бошқалар ижодидаги бош етакчи ғоя – инсонлар табиати ва тарбиятидаги ҳайвоний ва шаҳвоний сифатларини енгиб, илоҳий сифатларни камол топтиришга қаратилган.

Бу мақсад ва ғоя улуғ шоиримиз Навоий ижодида янада юқори бадиият билан тарғиб этилади. Ҳайвоний сифатлар ғолиб келишининг энг ёрқин белгиси кишининг нафс тузоғига тушиб қолиўидир. Навоий нафсни тобе этиш, унга банди бўлиб қолмасликни ўқтиради:

*Бўлип нафсинга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,  
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банди.*

Навоий ғайрат, шиҷоатнинг олий кўриниши ҳам нафс итини енгишда, деб билади: “Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендеқ шужо”.

Чунончи, нафс тарбиятини Яссавий ҳам жуда кескин тарғиб этган эди:  
*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзуб гумроҳ бўлур.  
Ётса-турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур...  
Нафсни тебгил, нафсни тебгил, эй бадкирдор.*

Нафсни жиловлаш, уни ўзига тобе этиш кишига хотиржамлик келтиради, кўнгилни тиндиради. Айнан шу нарса Навоий таъкидлаган фикрлардан эканлигини кўрамиз:

*Нафс амрида ҳар нечаки таллингайсен,  
Кўп гарчи бутунлик тиласанг, сингайсен.  
Кам истаю неча элга ёлингайсен,  
Нафсинга хилоф айлакум, тингайсен.*

Кишилардаги ҳайвоний сиффатларидан белги берувчи хислат – очкүзлик ва ҳирсдир. Навоййнинг фикрича очкүз ва ҳарис одамлар тирик кўринсалар-да, ҳирс уларни ҳалок этган бўлади: “Ҳирс они ҳалок этти, ул билмас хеч”. Бу иллатлар кораланмас, барҳам берилмас экан, бутун бир ҳалқ, жамиятни хонавайрон этади, юқумли касаллик каби мамлакатни таназзулга етаклайди. Навоййни изтиробга солувчи оқибатлар ҳам ана шунда:

*То ҳирсу ҳавас ҳирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаёв қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Жавонмардлик тасаввуф таълимотининг ўзига амалий ва назарий тариқати бўлиб, Оврўпадаги олийжаноб рицарлик харакатига мос келади. “Қобуснома”да: “Билгилки, жавонмардликнинг такомиллашгани шундай бўладики, ўз молингни ўзингники, ўзганинг молини бошқанини деб билгил. Ҳалқ молидан тамаъ қилмагил, ўз кўлинг билан қўймаган нарсани олмагил. Ҳалққа яхшилик қила олмасанг ҳам ёмонлик қилмагил”, дейилади. Умуман “Қобуснома”да жавонмардликнинг уч шарти келтирилади. Биринчиси, айтилган сўзни бажариш, иккинчиси, тўғриликка хилоф иш қилмаслик, учинчиси, доимо ҳайру эҳсон қилиш. Бундан ташқари жавонмардлар ваъдага вафо этган, ғарип-бечораларга ёрдам беришдан ғурурланган, яхшиларни ёмонлардан ҳимоя этишдан роҳатланганлар. Шоир ва донишманд Пахлавон Махмуд бу тариқатнинг ёрқин вакили сифатида оддий ҳалқ ва тасаввуф аҳли орасида машҳур бўлган. Умр бўйи елкаси ерга тегмаган хоразмлик ватандошимиз Ҳиндистон подшоҳи Рай Ропойини ўлимдан қутқазади. Шоҳ мамнун бўлиб: “Тила тилагингни”, дейди. Пахлавон молу дунё, олтину кумуш талаб қилмай, бир вақтлар Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилишни илтимос қилган. Подшоҳ пахлавоннинг жавонмардлигига тан бериб, тутқунларни озод қилган экан.

Алишер Навоий бизга яхши таниш бўлган фардларининг бирида жавонмардликнинг кўриниши – чинакам меҳр-мурувват, саҳоват намунаси таърифлайди:

*Мурувват – барча бермакдир, емак ўйк,  
Футувват – барча қилмакдир, демак ўйк.*

(Чинакам мурувват йўқсилларга ўзи емай борини беришdir, футувват, яъни жавонмардлик эса имкони борича яхшилик қилиб, бир оғиз ҳам бу ҳақда сўз айтмаслиkdir).

Бизнинг фикримизча, улуғ шоиримиз бу сўзларини шунчаки айтиб кўймай, ўз ҳаёти давомида амалий ақидага айлантирган, яъни жавонмардлик тариқатига қатъий амал қилган дейиш мумкин. Мұхрдорлик, вазирлик мансабида бўлган даврида ўз ҳисобидан камбағал етим – есирларга ошу нон улашган, масжид – мадрасалар курдирган, илм аҳли ва талабаларга нафақа тайинлаб ҳолидан хабар олган, ўзи эса борига шукур этиб, қаноат билан факирона умр ўтказган:

*Қаноат тариқига кир, эй кўнгил,  
Ки хатт ўлғай ойини иззат сенга.  
Десенг шоҳ ўлай еру кўк басдуур,  
Бу бир тахту ул чотири риғъат санга.*

“Чинакам шоҳлик қаноатдадур. Унга ер бир таҳт бўлса, кўк – чатри риғъат, яъни юқсаклик чодиридир”, дейди. Чиндан ҳам, ўз нафсини қаноат, сабр билан жиловлай олган зотгина кўкка, илм-маърифатга интилади, акс ҳолда нафс уни мол-дунёга боғлаб қўяди.

Шарқ шеърияти, бир жиҳатдан, огоҳлантирувчи шеърият, у инсонни ўз ҳулқий ва аклий имкониятларидан, демакки кўп нарсадан қониқма деб огоҳлантиради. У одамни маънавий, руҳий балоғатга – комилликка тинимсиз интилишга ундайди, бепарволик, лоқайдлик, ўздаражасидан қониқиш ҳолатларидан, уларнинг оқибатларидан огоҳ этади:

Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен

Агар огоҳсен, шоҳсен сен.

Бизнинг фикримизча, авлодларгина уз даврининг ҳушёр, зийрак ва огоҳ кишилари булиб, халқи, мамлакат тинчлиги, осойшалиги ва равнақига масъулликни ҳис эта оладилар. Фарзандлари маърифатли, ўзлигини таниган халқнинг эса иқболи кулади. Комил фарзандлар юрт тинчлиги, ватан равнақи, эл фаровонлиги йўлида ўқиб-ўрганиш, меҳнат ва ижод қилишдан бир дам тўхтамайдилар.

**СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Каримов И. К. “Юқсак маънавият – енгилмас куч” Тошкент. 2008. 84-б.
2. Ибн Сино “Донишнома” – С. 1957., 171 б.
3. Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” – Т., 2015.

УДК 378.014 (47+57)

Маматова Барно, Илмидинова Гулнора  
(Фергана, Узбекистан)

## ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

**Аннотация.** В статье раскрыты пути формирования духовно-нравственных ценностей подрастающего поколения, а также говорится о новых подходах к формированию личности на основе этнопедагогики. Раскрыты взаимосвязи общечеловеческих и национально-культурных ценностей, этнопедагогизации образовательного процесса как основной и важной формы возрождения духовности.

**Ключевые слова:** духовно-нравственные ценности, общечеловеческие и национально-культурные ценности, этнопедагогизация, гуманизация, этнокультурный компонент.

**Abstract.** The article is devoted to the analysis of formation of spiritual and moral values of younger generation in educational space of higher education institution, and also describe new approaches to formation of personality on the basis of ethnopedagogy. interrelation of the universal and national marked cultural values, a higher education institution ethnopedagogization as effective factor of its humanization and humanitarization, as main and important form of revival of spirituality.

**Keywords:** spiritual and moral values, social and national – cultural values, ethnopedagogization, humanization, ethnocultural component.

Для современного общества характерны развитие науки и рост искусственного интеллекта, расширение рамок индивидуальной свободы, доступность разнообразного знания для всех людей в любой точке планеты. Технологический, насыщенный информацией и коммуникациями мир XXI века нуждается в нравственно-духовном просвещении молодёжи. Изменение социально-экономических условий отражается на системе ценностных ориентаций. Следует отметить, что современное молодое поколение отличается прагматичностью, стремлением к получению материальных благ. Вместе с тем, процессы глобализации, охватившие весь мир, требуют сохранения национальных традиций, самобытности народной культуры, для которой характерно превалирование духовных ценностей. Целью воспитания современного молодого поколения должна быть личность, умеющая принимать решения моральной обоснованности. Необходимы новые подходы к формированию личности, которая обладала бы высоким уровнем духовно-нравственной культуры, могла бы выступить в качестве транслятора ценностей и норм, определяющих жизненную позицию человека. Воспитание у подрастающего поколения устойчивых нравственных убеждений на основе традиционных исторических, духовных, культурных ценностей стоит в ряду главных задач образования. По нашему мнению, воспитательная работа по формированию базовых общечеловеческих норм и ценностей будет наиболее

Когда образование рассматривается как процесс, его содержание изображается как формирование и развитие интеллектуального потенциала общества, т.е. производство, накопление, сохранение, систематизация и распространение совокупности знаний и навыков. Здесь важную роль играет

<sup>11</sup> Гулямов С. С., Гойбназаров Б. К., Отажонов Ш. И., Мирбабаев Ф. А. Наука и образование: интеграция и взаимодействие // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. 16-17 февраля 2012 года. – Ташкент. – 2012. – С. 86.

<sup>12</sup> Нурмуровов Т. И., Мухиддинов Б. Ф., Нурматова Г. Х. К вопросу улучшения инновационного потенциала в техническом вузе // Инновацион барқарор ривожланишиш ва унинг турмуш ободлиги ва жамиятнинг ривожланишига таъсири. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, ТХВУ, 2013. – С. 76.

наука, т.к. интеллектуальный потенциал профессорско-преподавательского состава оценивается с учетом его коренного вклада в развитие научной мысли, т.е. получением и применением новых знаний и технологий.

В настоящее время непрерывный процесс обогащения личности знаниями и навыками приобрел принципиально важные особенности, обусловленные возрастающей ролью науки в общества. Здесь окончательную роль набирает процесс обогащения личности научными знаниями (навыками) и умением их использовать. Это характерно непрерывно развивающейся и одновременно дифференцирующейся системе образования. В связи с этим, общество заблаговременно производит управление процессом обновления и освоения научных, технико-экономических знаний и квалификационных навыков всеми людьми на основе изменяющимися требованиями производства.

На основании проведенных исследований, мы считаем, требующие постоянного реформирования и развития, основные направления по этим вопросам следующие: во-первых, рассмотрение и перестройка структуры образовательных учреждений, стандартов обучения и образования, обучающих и профессиональных программ с учетом мировых достижений политики, экономики, культуры, науки, техники, технологий, образования и т.д.; во-вторых, улучшение (обновление, омолаживание) кадрового потенциала системы высшего образования, высших образовательных учреждений путем подготовки, повышения квалификации и переподготовки профессорско-преподавательского состава, научных и научно-педагогических и других высококвалифицированных кадров в соответствии современных профессиональных и образовательных программ, учебно-методических и технических средств обучения с учетом перспективных преобразований в экономике; в-третьих, открытие новых направлений образования бакалавриата и специальностям магистратуры на основе потребностей на высококвалифицированные кадры крупных организаций и предприятий региона; в-четвертых, подготовка, повышения квалификации и переподготовка высококвалифицированных кадров по современным направлениям, профессиям и специальностям, связанным с широким освоением прогрессивных и перспективных технологий рыночной экономики, изменениями и обновлениями общества, развитием крупного, малого и среднего бизнеса, предпринимательства, структурными преобразованиями в экономике и т.д.

**Файзулина Умида Рафаиловна,  
Сафаров Шермурод Нормурод ўғли,  
Хайруллаева Сарвиноз Хайрулло қизи  
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш  
Муҳандислари Институти Бухоро филиали  
(Бухара, Узбекистан)**

## ТЕХНИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ 4 ПОГОНАЛИ МЕТОДИ

Маълумки, техника йўналишидаги талабалар ўз танлаган касб кўнинмаларини шакллантириш имкониятига эга бўлишлари учун маҳсус фанларни чуқур ўрганишлари керак бўлади. Асосан маҳсус фанларни ўқитишда фаол усулларини кўллаш орқали таълим жараёнини ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса техника йўналишидаги талабалар учун амалий машғулотларни ўтказишда «тўрт погонали усули» самарали усул ҳисобланади. Бу погоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш».

Амалий машғулотлар ўқитувчиси талабаларга аввал бажариладиган кичикроқ бир ишни тушунтириб беради, сўнгра қандай тартибда бажарилишини қилиб кўрсатади. Кейин талаба шу ишни кўрсатилган тарзда такрорлаши (*имитация қилиши*) керак. Талаба такрорлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси унинг хатоларини тўғрилаб туради. Талаба ушбу машкни бир неча маротаба қайтариши керак. Мисол тариқасида техника йўналиши таълим муассасаларининг «Трактор двигателини ишлатиш ва таъмирлаш» йўналишларида ўтиладиган «Трактор двигателини таъмирлаш» мавзуси бўйича «тўрт погонали» усулида амалий машғулотлар ўтказишни кўриб қиқамиз.

Бу метод бўйича масалан, амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал бирор ишни бажарининг кичикроқ алоҳида босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини ўзи бажарив бўрсанади. Сўнгра талаба шу иш босқичини кўрсатилгандек бажарив такрорлаши (*имитация қилиши*) керак.

Талаба такрорлаб бажараётган пайтда амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади). Ундан кейин эса, талаба шу иш босқичини мукаммал ўзлаштиргунича машқ тарзida кўп марта такрорлаб бажаради.

### **Ўқитишнинг 4 погонали методини кўллашдаги ҳаракатлар.**

4 погонали методни кўллашда шу погоналар бўйича амалиёт ўқитувчиси талабалар билан гурухли ҳамда якка тартибда иш олиб боради. Бунда ўқитувчи 1 ва 2-погоналарда гурух билан, 3 ва 4-погоналарда эса, ҳар бир талаба билан якка тартибда ишлаши асосий аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳаракатларнинг мазмуни кўйидагича бўлади:

**1-погона.** Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўнинмани кўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар ўқитувчининг оғзаки тушунтиришларини тинглаб, тушуниб борадилар.

**2-погона.** Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай бажарилиши кераклигини ўзи бажарыб кўрсатади, талабалар эса, дикқат билан кузатиб, эслаб қоладилар. Одатда, ўқитувчи нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар бериди, такрорлаб намойиш этиб боради.

**3-погона.** Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини бажариш ҳаракатларини талабалар кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Ўқитувчи улар бажараётган ҳаракатлар юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

**4-погона.** Ҳар бир талаба тегишли иш босқичи бўйича ҳаракатларни ўқитувчи кўрсатиб бергандек қайтариб бажарыб кўради ва ўқитувчининг бу иш босқичини тўғри бажариш бўйича изоҳларини тушунганидан кейин, бу иш босқичини кутилган натижага эришмагунича тақрорлаб машқ қилишда давом этади.

Шундан кейин амалиёт ўқитувчиси ишнинг кейинги босқичига доир ҳаракатни ўргатишига ўтади. Бу босқич ҳам 4 погонадан иборат бўлиб, куйидаги мазмунда бўлиши мумкин:

- машғулотда ҳар бир ҳаракатни ўргатишининг бошланишида амалиёт ўқитувчиси томонидан назарий ва амалий маълумотлар берилади, сўнг эса, талабаларнинг шу ҳаракатларни амалий бажариш машқлари билан алмашинади;

- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланади;

- талабалар якка тартибда ўрганиш (ўзлаштириш, машқ қилиш)га йўналтириладилар, лекин уларнинг мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ, чунки ўрганилаётган касбий ҳаракатни бошқача бажариш албатта ноxуш ҳолатларга олиб келади;

- ишни ташкил қилиш (иш тартиби) одатда, ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

#### **Ўқитишнинг 4 погонали методини қўллаш юзасидан йўл-йўриклиар.**

**1-погона.** Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация), маълумот ва йўриқнома бериш. Амалиёт ўқитувчиси аввал бу йўриқнома бериш (инструктаж)ни ўқув хонасида ёки иш ўрнида ўтказиш мақсадга мувофиқлигини ҳал қиласди. Бу эса, инструктажнинг моҳияти ва турига боғлиқ. У инструктаж вақти 20-30 дақиқадан ошиб кетмаслигини режалаштиради.

Ўрганилаётган мавзу бўйича ишни бажаришга қаратилган топшириқ юзасидан инструктаж талабаларнинг қизиқишини ўйфотишдан бошланади, чунки уларнинг қизиқиш ва эътибори ўрганилаётган нарсага қаратилиши керак. Сўнгра ўқитувчи талабаларга амалий машғулотни бажариш учун трактор двигатели тўғрисидаги маълумотларни, унда бажариладиган иш жараёнини тушунтиради. Бунда ўқитувчи барча ўқув дидактик материаллардан, масалан, тракторнинг двигателини, маҳсус двигател схемалари, двигателни ишлаш бўйича кўрсатмалар, созлаш асбоблари ва двигателлар кичик моделларидан кўргазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Сўнгра амалиёт ўқитувчиси талабаларга амалий топшириқни бажариш учун керакли барча маълумотларни беради ва бажариладиган жараёнларни тушунтиради. Шу пайтда у ўзининг амалий иш тажрибасидан келиб чиқиб, мавзуга доир барча ўқув-дидактик материаллардан, масалан, трактор

двигатели бўйича чизмалар, эксплуатация бўйича инструкциялар, инструментлар ва хом ашёлардан кўргазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи иш босқичларини уларнинг кетма-кетлигида тушунтиради ва керак бўлса, талабаларга шу босқичларни ўзларининг иш режаларига киритишларини талаб қиласди. Шу пайтнинг ўзида у талабаларга сифат фарқини намойиш этиш мақсадида яхши ва ёмон синов иши мисолларини кўрсатиши мумкин. Талабалар нисбатан пассив бўлишади, улар тинглашади ва қараб туришади.

**2-погона. Нима қилишни кўрсатиб бериш - намойиш қилиш.** Бу погонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларини ўзи бажариб, намойиш қилиб кўрсатади. Бунинг учун у аввал керакли иш ўрнини пухталик билан тайёрлаб кўйган бўлади ва ўша иш ўрнида намойишни ўтказади. Ишни бажариш учун керакли барча инструментлар хом ашёлар ва иш режаси ҳамда трактор двигатели тайёрлаб кўйилган бўлиши керак.

Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси талабаларнинг диккат билан кузатиб туришларини таъминлайди. Ҳар бир ҳаракатни 3 мартадан намойиш қилиб кўрсатиш тавсия этилади. Улар куйидагича бажарилади:

**1 - намойиш** оддий тезлиқда ўтказилади, талабаларда касбий ҳаракатнинг амалда қандай бажарилиши тўғрисида тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун.

**2 - намойиши** атайнин секин тезлиқда ўтказилади, ҳар бир босқични алоҳида ва ўзига хос хусусиятларини яхшироқ кўрсатиш ҳамда меҳнат ҳафғизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

**3 - намойиши** оддий тезлиқда ўтказилади, ишни бажариш ҳаракати кўникмасини яна бир марта тўла равишда кўрсатиш ва талабаларда «ички суръат» яъни, ҳаракатни бажариш усули, тартиби, кетма-кетлиги, тезлиги тўғрисида аниқ тасаввур пайдо бўлиши учун. Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ҳар бир ҳаракатини изоҳлаб боради. Шундан сўнг бевосита инструктаж қисми тугайди.

**3-погона.** Кўрсатилган тарзда қайтариш - тақлид (имитация). Бу погонада талабаларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтаришлари керак. Талабалар ишлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўз фикрини билдиради, яхши ишни мақтаб ёмон ишни танқид қиласди ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади. Ҳамма талабалар иш жараёнини тушунгандигини кўрганидан кейин амалиёт ўқитувчиси машқ қилишини бошлашга руҳсат беради.

**4-погона.** Машқ қилиш - талабалар кўплаб марта такрорлаш орқали трактор двигателлари билан бажариладиган иш жараёнлари бўйича касбий ҳаракатларни тўғри бажаришни машқ қилишлари учун амалиёт ўқитувчиси уларга етарлича трактор двигателлари (моделлари)ни тайёрлаб кўйишлари керак бўлади. Ҳар бир талаба ўзи ишлайди ва бир хил ишлаш усулларини кўллайди. Агар иш натижаларининг сифати мақбул натижа стандартига (олдиндан белгиланган сифат мезонларига - аниқ мақсадларга) жавоб берса, иш тутатилиши мумкин. Амалиёт ўқитувчиси бу ерда назоратчи вазифасини бажаради.

**Дидактик воситалар ва машқ материалларини тайёрлаш.** 4 погона методи кўп ва катта тайёргарликлар кўришни талаб қилмайди, яъни жуда оз воситалар билан ҳам ишлаш мумкин. Дидактик воситалар ва машқ материаллари сифатида одатда, асл (оригинал) иш хужжатлари ишлатилади масалан, техник чизмалар ёки бирор электр схема, иш босқичлари ва изохлар кўрсатилган жадвал шаклидаги иш режаси ҳамда назорат вараги, унда талабанинг натижалари ёзиб борилади.

Бунда ушбу чизмалар ва бошқа хужжатларни цеплофан пакет, плёнкага чиқарилмайдиган қилиб солиб қўйган яхши ва талабаларга кўриш учун бериш керак. Иш режасини эса шахсий меҳнат воситаси сифатида ҳар бир талаба ўзи тўлдириши керак. Бу мақсадда амалиёт ўқитувчиси тегишли шаклни тайёрлайди ва талабаларга тўлдириш учун тарқатади.

Назорат ёки баҳолаш вараги ҳам тегишли шаклда бўлиши керак. Уни ўқитувчи натижаларнинг исботи сифатида машқлар тугаганидан кейин ўзида сақлаб қолади.

Кўшимча равишда талабаларга тарқатма дидактик материаллар (карточка-топшириқлар) берилиши мумкин. Тарқатма материаллар дарсликлар, маҳсус адабиётлар ёки эксплуатация бўйича йўриқномалардан олинган қисқа маълумотлар (кўчирмалар) бўлиши мумкин.

*Тайёрлаб қўйиладиган асбобларни икки турға бўлинади:*

- устахонада умумий фойдаланиш учун мўлжалланган асбоблар (масалан қимматбаҳо ўлчаш воситалари камдан-кам ишлатиладиган маҳсус асбоблар);

- иш ўрнида якка тартибда (индивидуал) фойдаланиш учун мўлжалланган асбоблар (талабага бериб қўйилади);

- асбоб-ускуналарга тааллуқли, уларни созлаш, таъмирлаш ш. к. асбоблар;

- амалиёт ўқитувчининг асбоблари ва ҳоказо.

Ҳар бир талабада ўзининг индивидуал асбоблари бўлса, факат шундагина ҳамма талабалар машқларни бир вақтда бажаришлари мумкин.

Агар бунинг иложи бўлмаса, бошқа ташкилий ечимлар топилиши керак, масалан, асбобларни галма-гал ишлатиш, машқларни алмаштириб ўtkазиш ва бошқа ечимлар.

**Хулоса қишлиб айтганда** ушбу усулини ўқув жаарёнига қўллаб ўтказилган тадқиқотлар ва олимлар фикри бўйича, режа асосида ишлатилган ташки қўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб ўрганишнинг «Тўрт погонали» усули бўйича қўйидаги илмий хулосаларни бериш мумкин:

1. Талабаларнинг трактор двигатели бўйича кўнкималарни ўзлаштириш (ўрганиш) – бу қўзғаш таъсири ва реакция кетма-кетлиги такрорланишининг натижасидир.

2. Такрорлаш орқали «Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» принципи ҳосил бўлади.

3. Мавзуни ўзлаштиришда эришилган натижалар рафбатлантирилса (мақтаб турилса) ўрганиш самараси ошиб боради.

Бугунги кунда бундай босқичларни амалга оширишини мураккаблаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Яъни шундай машқлар киритилиши

мумкинки, улар доирасида талаба бир вақтнинг ўзида бир нечта жараёнларни амалда бажариш керак.

«Тушунтириш» ва «Намойиш этиш» поғоналари эса, босқичма-босқич амалга оширилади. Бу усул техника олий таълим муассасаларида маҳсус фан бўйича амалий кўнкималарни ўргатишда жуда яхши самара беради.

**СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Авлиёкулов Н. Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. Тошкент: «Янги аср авлоди». 2004. – 106 б.
2. Авлаев О. У ва бошқалар. Таълим методлари. Тошкент: «Наврӯз». 2017. – 206 б.
3. Аллаёрнов И. А. Дидактические основы активного обучения. Дисс... докт. пед. наук. Т.1994 –44 с.
4. Ашурова С. Й. Маҳсус фанларни модулли ўқитиш // Касб-хунар таълими. Т.: 2004. №5.- б.
5. Йўлдошев Ж./. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. Т.: Ўқитувчи. 1998. – 207 б.
6. Толипов У. К. Педагогика жараённи лойиҳалаш технологияси. // Узлуксиз таълим. 2004. №4. 3-10 б.

Фармонов Ўқтам Неъматович  
(Тошкент, Ўзбекистон)

## ТАЛАБАЛАРНИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлаш мухим педагогик муаммо эканлиги ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** талаба, ижодкор, фаолият, ижодий фаолият, хаёл, тасаввур, фараз қилиш, ўқитувчи, шахс, ижодий қобилият.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари фаолиятида эркин ижодий меҳнат таълим–тарбия жараёнининг юқори даражада амалга оширишда мухим ўрин тутади. Бунда ўқитувчи ўз табиатини, характеристини ва фаолиятини ўзгартиради. Ижод учун энг мухим нарса талабага яхши ижтимоий шароит яратишдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижодий фаолиятда яхши натижаларга эришиш бир қатор ижтимоий–психологик омилларга боғлиқ. Ижодга қизиқиш, шароитлар билан бирга хаёл, тасаввур, фараз қилиш каби хусусиятлар мухим ўрин тутади.

Ижодкор ўқитувчидаги фикр-мулоҳазалар теранлиги ва мустақиллiği, таъсирчанлик, синчковлик, фикрларнинг танқидийлиги, ўзига хослик, ўй ва фикр жасурлиги, ҳазил-мутойиба туйғуси ва ҳазилга мойиллик каби мухим сифатлар намоён бўлади. Ушбу сифатлар ҳақиқатдан эркин, мустақил ва фаол шахс хусусиятларини очиб беради.

Хозирги замонавий ижодий шахс тушунчаси деганда, астайдил характератли, ижодга юқори даражада йўналтирилган, ижодий фаол шахсни тушунамиз. Ижод тиришқоқликка, матонатга ва оғир меҳнатга асосланади. Шунинг учун фикр-мулоҳаза соғлиги учун хаёл (фантазия)нинг илк бор учкунида тайёргарликка эътиборни жамлаш зарур.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашибу талабанинг ўз ички дунёсини сўз билан ифодалашга ундаш ва рағбатлантириш лозим. Бунда талабаларнинг ижодий фаолияти элементлари икки характерли белгисига қараб ажратилади:

- 1) фаолият натижаси (маҳсул) бўйича;
- 2) унинг юз бериш усули бўйича.

Ўқув фаолиятида талабаларнинг ижод элементлари, аввало унинг содир бўлиши, муаммони кўриш, ностандарт вазиятларда аниқ амалий ва ўқув масалаларини ҳал қилишнинг янги усулларини излаб топиш маҳоратида намоён бўлади. Бунда ўқитувчи кўплаб дидактик ва қўшимча материаллар ичидан ўқувчиларда ижод учкунларини ривожлантиришга ёрдам берадиган топшириқларни танлаб олиши керак.

Баъзи бир бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари педагогик амалиёт жараёнида интеллектуал жиҳатдан бўш ривожланган болаларнинг эшитиши, кўриши, ўқиши кабиларни салбий тасвирлайди. Лекин бундай болалар ҳис этиш, фаҳмлаш хислатлари асосида нималарнидир моделлаштириши, конструкция қилиши, турли ўйинлар билан соатлагб ўтириши, ажойиб расмлар чизиши, мусиқа чолғуларини ўзича чалиши мумкин. Ижодий малакага эга

ўқитувчи ўз ишидан маънавий қониқиши олиши мақсадида фан ва техниканинг турли соҳаларида фойдаланиши мумкин. Бунинг учун талабалар эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда имконият яратиш муҳитини ташкил қилиши лозим. Бу ўринда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси таълимнинг инсонпарварварлик мақсадларига аниқ йўл топса ва ўз кучларини фаоллаштиришга интилишса болаларни тўлиқ маънода инсон бўлишига умид қилиш мумкин. Чunksi, бугунги ягона таълим жараёни – бу ўқитувчининг ижодий фаолияти ҳисобланади.

Ижодий фаолиятга эга бўлган ўқитувчи ўз билимларини бошқаларга узата билиш маҳорати, ўқувчи нуқтаи-назарини, унинг қизиқишилари ва эҳтиёжларини тушуниш, унинг шахси ривожланишини, педагогик тактни, педагогик кузатувчанликка қаратилган эътиборни лойиҳалаштириш кабиларни намоён этади. Ўқитувчининг педагогик касби ва педагогик маҳорати фақатгина индивидуал-шахсий босқичдагина эмас, балки шахсни ижодий шакллантиришда намоён бўлади.

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тарбия технологияларига ўргатиш ва янги ўқитиш тизимига ўтказиш вазифасини амалга оширилмоқда. Таълимни, педагогик жараённи инсонпарварлаштириш ва индивидуаллаштириш асосида ўқувчи интеллектини, ижодий муносабатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Демак, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси орқали ўқувчи шахсини, унинг ижодий кўнкимасини шакллантириш ва ўқитиш муҳим ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида ижодий фаолият муҳитини яратиш бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Чunksi, унда касбий ва ижодий фаолиятга тайёргарлигидаги муайян маълумотларни бартараф қилиш, айнан, билимларни маълум бир педагогик вазиятда талабаларни ўрганиш ва улар билан алоқа қилиш, жамоани бошқариш, ҳамкаслар билан ўзаро тўғри муносабат ўрнатиш кабиларни такомиллаштиришни талаб этади. Бунда айниқса ўкув фаолияти ва педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг назарий-амалий тайёргарлиги ва уларнинг касбий маҳоратини эгаллашда ижодий фаолият “кўпrik” вазифасини бажаради. Бунда талабада ўқитувчилик фаолияти элементлари ва хусусиятларини эгаллаши, шу даражада ўзининг ижодий қобилиятларини намоён қилиши бирданига намоён бўлиб қолмайди. Чunksi, ўқитувчилик касби талаба учун кўп меҳнат талаб қиласиган сермашаққат ва оғир иш ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчи ўз имкониятларига ишониб, материални юзаки баён қилишга ўтиб кетмаслиги керак. Аксинча, ҳар доим ҳар бир машғулотда янги ғоялар, ўкув жараёнини ташкил қилишнинг ностандарт ва қизиқарли шаклларини намоён қилиши, касбий фаолиятдаги ижодий ишга тайёр бўлиши керак. Чunksi, педагогик ижод-бу ўқитувчи томонидан ўкув-табиявий масалаларни аниқ ва ностандарт ечими, уни ўқитишида тарбиянинг янги методлари, воситалари ва усуслари билан бойитиш ҳисобланади.

Шундай қилиб олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлаш муҳим педагогик муаммолардан бириди.

## SECTION: PHILOLOGY AND LINGUISTICS

A'zamova Gulnoza  
(Samarkand, Uzbekistan)

### TALABA-YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA ILM-MA'RIFATNING O'RNI

*Eng katta boylik-bu aql-zakovat va ilm,  
eng katta meros-bu yaxshi tarbiya,  
eng katta qashshoqlik bu – bilimsizlikdir.*

**Annotatsiya:** Bugungi kunda ilm-ma'rifat orqali barcha sohalarni rivojlantirayotgan davlatlarga taraqqiyotga erishayotgani hech kimga sir emas. Shu nuqtai nazardan, yosh avlodni tarbiyalab, ularni komil inson martabasiga yetkazishdan iqtisodiyotni rivojlantirishga qadar bo'lgan barcha islohotlarda ilm-fan yutuqlariga tayanilsagina, yuksak maqsadlarga erishish mumkinligini hayotning o'zi ko'rsatib turibdi. Shu sababli, hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzlucksiz hayotiy ehtiyoja aylanishi kerak.

**Kalit so'zlar:** ma'rifat, komil inson, buyuk davlatchilik, kitobxonlik madaniyati, mamlakat taraqqiyoti, barkamol avlod.

**Annotation:** It is no secret that today only those countries that are developing in all areas through science are achieving progress. From this point of view, little shows that high goals can be achieved only by educating the younger generation and relying on the achievements of science in all reforms, from raising them to the level of perfect human beings and developing the economy. Therefore, for all of us, the acquisition of modern knowledge, the possession of true enlightenment and high culture must become a continuous vital necessity.

**Keywords:** enlightenment, perfect man, great statehood, reading culture, development of the country, harmoniously developed generation.

**Аннотация:** Не секрет, что сегодня только те страны, которые развиваются во всех областях благодаря науке, достигают прогресса. С этой точки зрения мало что показывает, что высокие цели могут быть достигнуты только путем обучения молодого поколения и использования достижений науки во всех реформах, от их поднятия до уровня совершенных людей и развития экономики. Поэтому для всех нас приобретение современных знаний, обладание истинным просвещением и высокой культурой должно стать постоянной жизненной необходимости..

**Ключевые слова:** просвещение, совершенный человек, великая государственность, культура чтения, развитие страны, гармонично развитое поколение

Bugungi kunda ilm-ma'rifat orqali barcha sohalarni rivojlantirayotgan davlatlarga taraqqiyotga erishayotgani hech kimga sir emas. Shu nuqtai nazardan, yosh avlodni tarbiyalab, ularni komil inson matabasiga yetkazishdan iqtisodiyotni rivojlantirishga qadar bo'lgan barcha islohotlarda ilm-fan yutuqlariga tayanilsagina, yuksak maqsadlarga erishish mumkinligini hayotning o'zi ko'sratib turibdi. Shu sababli, hammmamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzuksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak.

Darhaqiqat, mustaqil O'zbekistonimizda yosh avlodni ma'nnaviy-axloqiy rivojlantirish, ularning ma'nnaviyatini yuksaltirishga kata e'tibor qaratilmoqda, bunda bevosita ma'rifatning o'rni beqiyos. Zero, ma'rifat — tabiat, jamiyat va inson mohiyati haqidagi turli bilimlar, malumotlar majmuasi, kishilarning ongini, bilimini, madaniyatini oshirishga qaratilgan ta'lrim - tarbiyadir. Ma'rifat ilm-u urfon ma'nosida ham qo'llanilib, ma'nnaviy qaramlikni bartaraf qilib, insonga kuch-qudrat ato etuvchi, kishilarni qutqarib, nomaqbul ishlardan qaytaruvchi, insonga yaxshi xulq va odob egasi bo'lishida yordam beruvchi vositadir. Ma'rifatli kishilardan tashkil topgan jamiyat ma'nан ravnaq topib, kelajagi porloq bo'ladi. Ma'nnaviyati qashshoq yoki ma'rifatdan maxrum bulgan jamiyat a'zosidan biror narsa kutish aslo mumkin emas. Chunki u yaxshilik va ezzulik xaqida umuman o'ylamaydi. Atrofiga va xatto ota-onasi, qarindosh-urug'lari xalqi taqdiriga ham befarq loqayd xolda shunchaki yashaydi. Yuksak ma'nnaviyatlari inson bugungi kun va kelajak xaqida fikr yuritadi, qayg'uradi. Zотан, mustaqil yosh mamlakatimizning kelajagi uchun ma'nnaviyati yuksak barkamol insonlar zarur. Shuning uchun ham Birinchi prezidentimiz «Yuksak ma'nnaviyat-kelajak poydevori» degan xikmatli shiorni yanada balandroq ko'tardiki, yuksak ma'nnaviyat mustaqillikni mustahkamlash, rivojlantirish va takomillashtirish uchun muhim va zurur tamoyillardan biridir<sup>13</sup>.

Birinchi prezidentimiz I. Karimov: - «...Ma'nnaviy jihatdan mukammal rivojlangan insonni tarbiyalash, ta'lim va maorifni yuksaltirish, milliy uyg'onish g'oyasini ro'yobga chiqaradigan yangi avlodni voyaga yetkazish davlatimizning eng muhim vazifalaridan biri bo'lib qoladi», - deya ta'kidlab, «bizga bitiruvchilar emas, maktab ta'limi va tarbiyasini ko'rgan shaxslar kerak»ligini uqtirgan edi<sup>14</sup>.

Darhaqiqat, tariximizga nazar tashlaydigan bo'lsak, ilmga, ma'rifatga asoslangan jamiyatgina o'zining buyuk davlatchiligiga asos solganligini ko'rishimiz mumkin.

Abu Rayhon Beruniy komillikning asosini ilmli bo'lishda deb hisoblaydi va barcha illatlarning asosiy sababi ilmsizlikdir, deya urg'u beradi. Allomaning fikricha, axloqiylik, to'g'rilik, odillik, tadbirkorlik, o'zini vazmin tutish, kamtarlik, insof, ehtiyyotkorlik, shuningdek, adolatli va vijdonli bo'lish komil inson qiyofasida aks etishi zarur bo'lgan eng asosiy sifatlardir.

Abu Nasr Forobiy deydiki, inson kamolotga yolg'iz o'zi erisha olmaydi. U boshqalar bilan aloqada bo'lish, ularning ko'magi yoki munosabatlarga muhtoj bo'ladi. Bunga ta'lim-tarbiyani to'g'ri yo'lga qo'yish orqali ham erishish mumkin. Chunki maqsadga muvofiq amalga oshirilgan ta'lim-tarbiya insonni ham aqliy, ham

<sup>13</sup> Safo Ochil: «Mustaqillik ma'nnaviyati va tarbiya asoslari», T. «O'qituvchi» 1997 200-bet.

<sup>14</sup> Karimov I. A. «Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz», T. «O'zbekiston» 2000 494-b.

axloqiy jihatdan kamolga yetkazadi. Natijada inson tabiat va jamiyat qonun-qoidalalarini to'g'ri bilib oladi, hayotda to'g'ri yo'l tutadi, boshqalar bilan yaxshi munosabatda bo'ladi. Komil insonni shakllantirish tarbiyaning bir butun, yaxlit ikki yo'nalishi ekanligiga urg'u beradi<sup>15</sup>.

Abu Ali ibn Sino ham kamolotga erishishning bosh mezoni sifatida bilimli bo'lishni alohida qayd etadi. Bilimli insonningadolatl bo'lishi esa uning yanada yuksalishini ta'minlaydi, deya baholab,adolat ruhiy xotirjamlikning muhim ko'rsatkichi ekanligini uqtiradi. Bolada axloqiy xususiyatlarni mehnat, jismoniy, aqliy tarbiya bilan uzvyi birlikda shakllantirish, uni chin inson qilib kamol toptirishda asosiy omil sifatida biladi<sup>16</sup>.

Alisher Navoiy asarlarida komil inson muammosi markaziy o'rinni egallaydi va o'z orzusidagi yetuk shaxsn asarlarining qahramonlari timsolida gavdalantirishga urinadi. Navoiy komil insonni vatani taqdiri uchun qayg' uradigan, jamiyat va davlatdag'i mammolarga befaroq bo'lмаган teran fikrlaydigan bilimli shaxs sifatida tasvirlaydi. Shuningdek, ilm o'rganish mashaqqatl yumush bo'lib, uni o'rganishda ayrim qiyinchiliklarni yengib o'tishga to'g'ri kelishi, bu yo'lda chidaml, qanoatli, bardoshli bo'lish orqaligina mukammal bilimga ega bo'lish mumkinligini uqtiradi.

Shu o'rinda, Komil Xorazmiy kasb-hunar, ilm-ma'rifat inson axloqiy kamolot, ijtimoiy-ma'naviy hayotning rivoji uchun xizmat qilishini ta'kidlaydi. U avalo yosh avlodning aqliy va ma'rifiy tarbiyasiga, ma'naviyatini yuksaltirishga katta ahamiyat berib, ularni dunyoviy bilimlarni egallahsha da'vat etadi. Faqat rivojlangan fan va madaniyat inson tafakkurining kamol topishini ta'minlashiga ishonadi. Xorazmiy insondagi ma'rifat tug'yonini eskirmaydigan, eng go'zal insoniy fazilat deb biladi. Bu fazilatlarga ega bo'ganlar obro'-e'tiborli, komil insonlardir. Chunki ma'nан barkamol shaxs o'z xalqi, yurti uchun jonini fido qila oladigan kamolot sohibidir<sup>17</sup>.

Muqaddas dinimiz islam ilm-ma'rifatga asoslangan ma'naviy komillikni targ'ib etuvchi dindir. Islomning asosiy manbalari hisoblangan Quroni karim hamda Hadisi sharifda ilm o'rganishga va uni o'rgatishga targ'ib qilinib, aksincha, ilmsizlik yoki uni o'rganishga loqaydlik qattiq qoranadi. Payg'ambarimiz Muhammad(s.a.v.) o'zlarining ko'plab hadislarda ilm egallahsha, olimlarni yaxshi ko'rishga chaqirganlar. Jumladan, Imom Buxoriy rivoyat qilgan hadisda: - «Ilm talab qilish har bir musulmonga farzdir» deb ta'kidlaganlar. Quroni karimda: - «Alloh sizlardan imon keltirgan va ilm ato etilgan zotlarni (baland) daraja (martaba)larga ko'tarur» (Mujodala, 11), devilgan. Qur'oni karimning ilk nozil bo'lgan oyatinining o'zidayoq Alloh taolo «O'qi!» deb amr qildi. «Ilm» so'zi turli ma'nolarda Qur'onda 811 o'rinda takrorlanishi hamda hadislardagi «Sadaqaning boshi – boshqa mo'minlarga ham ilm o'rgatishdir», «Ilm ibodatdan afzaldir» kabi fikrlar ham ilm-ma'rifatning o'rni ma'nан yuksalishimizda qanchalik yuqori ekanini ko'sratadi.

Ilm olish har bir inson uchun ham qarz, ham farz. Uning erta-kechi yo'q. Bunga amal qilgan inson hayotda o'z oldiga qo'ygan maqsadiga, albatta, erishadi. Ilmsiz inson mevasiz daraxtga o'xshaydi. Bu gapning ma'nosini yaxshi uqib olishimiz kerak. Ilm bizni ma'rifatga, ma'naviyatga chorlaydi. Yomonlikdan qaytaradi, odobli bo'lismga chaqiradi. Ilm insonga do'st, yolg'izlikda hamroh, do'stlar

<sup>15</sup> Abu Nasr Forobiy «Fozil odamlar shahri» T. «G'afur G'ulom» 1993 278-280-betlar.

<sup>16</sup> N.Jo'raev. Sh. Azizov. «Ijtimoiyt asoslari». T. «Ma'rifat-Madadkor» 2003.

<sup>17</sup> Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar(darslik) T.: 1993 y.

orasida zebu ziynat, dushmanga qarshi kurashda qurol, qayg'uli kunlarda ko'makchi, jannat yo'llini ochuvchidir.

Hozirgi paytda ilm olish uchun barcha imkoniyatga egamiz. Xohlagan badiy asarni, qiziqqan kitobbingizni topish mushkul emas. Kutubxonalar yangi kitoblar bilan boyitilmoqda. Yurtimizda kitobxonlikni rivojlantirishga kitobxonlik madaniyatini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Bu haqda maxsus qarorlar qabul qilinmoqda.

Darhaqiqat, badiy asar o'qigan odam dunyonи, tarixni yaxshi biladi, kelajakka ishonchi ortadi. Til madaniyati yuksaladi, muomala munosabati shakllanadi. Zakovatli, ma'naviyatli, bexato yozadigan, yozma nutqiga havas qiladigan darajaga yetadi. Bunday insonlarning nutqidan zavqlanasiz. Kvintillian Tsitseron ta'biri bilan aytganda: "Ilm cho'qqisini ishg'ol etgan shaxslar –jamiyatdagi eng kuchli notiqlardir".

Dunyoda turfa ilmlar, bilimlar ko'p. Ularni ifoda etuvchi kitoblarning son-sanog'i yo'q. Allomalardan biri "Agar inson kitob o'qishdan to'xtasa, u fikrashdan ham to'xtaydi" - degan edi. Ha inson fikrashi mumkin, ammo u irfoniy fikrlamaydi. Shuning uchun ham biz kitob varaqlarida ifodalangan ma'naviy quvvat manbaidan, doimiy sug'orilib turilishimiz lozim. Dunyoga teran ko'z, uyg'oq nigh bilan bogish, avvalo, kitoblar orqali kechadi. Davlatimiz tomonidan chiqarilgan «Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida<sup>18</sup>» O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni 2017 yil 13 yanvarda e'lon qilingani aholi ayniqsa yoshlar orasida kitob o'qishni targ'ib etishga qaratilganligi ayni muddao bo'ldi. Hukumatimizning bu da'vati biz kabi yoshlarni ham befarq qoldirmadi. Menimcha, bu farmon, yoshlarimiz kitoblar dunyosiga yanada teran kirib borishlariga turtki bo'lib xizmat qildi desak, mubolag'a bo'lmaydi. So'nggi yillarda kitob do'konlarini bezagan asarlarning rang-barangligi, insonning ma'naviy olamini boyitishga ulkan xizmat qiladi. Ayniqsa, o'zbek adiblarining asarları yangi dizayn, rang-barang shakl va uslublarda taqdim qilinishi kishini quvontiradi. Shunday ekan, dunyoda kitobdan yaxshi do'st va sodiq hamroh yo'q. Uning sehriyu, betakror olamiga, mo'jizalariga oshno bo'limgan, undagi qahramonlar bilan sarguzashtlarni birga kechirib, do'st tutinmagan kitobxon bo'lmasa kerak. Bu borada bolalar adabiyotining o'rni beqiyos. O'quvchi-yoshlarda kitobga bo'lgan muhabbatni oshirish, mutolaa madaniyatini shakllantirish hamda ularning adabiyotga bo'lgan qiziqishini orttirish maqsadida respublikamiz bo'ylab uzluksiz ta'lim tizimida turli xil ko'rik-tanlovlarni jumladan: o'quv muassasalarida har oyda yoki chorakda, yoki adiblarning tug'ilgan kuni munosabati bilan tadbirlar tashkil etish va shu adibning asarları asosida «Eng yaxshi kitobxon o'quvchi» yoki «Eng yaxshi kitobxon talaba» tanlovini tashkil etish an'anasiyo yo'lg'a qo'yish orqali yoshlarimizning kitobga umuman olganda ilm-ma'rifatga mehrini yanada ortishi uchun imkon yaratgan bo'lamiz.

Sharqning iste'dodli shoiri Abdibek Sheroziy ta'biri bilan aytganda: Agar inson ilm nuri bilan o'z yo'llini yoritmasa, zulmat va nodonlik ko'chasida qoladi. Kishi

<sup>18</sup> <http://uza.uz/uz/documents/kitob-mahsulotlarini-chop-etish-va-tarqatish-tizimini-rivojl-12-01-2017>

qalbining nuri ilm va ma'rifat bilan baquvvat bo'ladi<sup>19</sup>. Insoniyatning qadri ilm bilan hosil bo'ldi. Ilmdan hali hech kim zarar ko'rgan emas. Ilmni egallab olish esa bir san'atdir. Dunyoda qanday yovuzlik sodir bo'lgan bo'lsa, ularning hammasi nodonlik orqali kelib chiqqan. Eng ayanchli halokat nodonlik, insoniylikni bitiruvchi ham nodonlikdir. Yaxshi tahsil ko'rgan va ilm nuri bilan xulqini yaxshilagan inson har yerda izzat topadi. Ilm-ma'rifat — inson uchun ziynat.

Mamlakat taraqqiyotini ta'lim tizimining hissasisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Ta'lim-tarbiya tizimi takomillasha borgani sayin odamlarning ma'naviyati yuksalaveraradi. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch, ma'naviyatli yoshlar esa kelajak poydevori hisoblanadi. Yoshlarimiz milliy ildizlari baquvvat, dunyoni chuqr anglaydigan, zamon tarqiyoti bilan barobar qadam tashlaydigan insonlar bo'lib yetishsin. Ana shunda johil aqidaparastlarning «da'vati» ham, biz uchun mutlaqo begona g'oyalar ham ularga o'z ta'sirini o'tkaza olmaydi. [10]

Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyevning Oliy Majlisiga Murojaatnomasida 2020 yil – Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili, deb e'lon qilindi. Bu bilan davlatimiz rahbari ilm-ma'rifat va texnologiyalarning mamlakat rivojlanishidagi ahamiyatiga to'xtaldi va “Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlik» ekanligiga urg'u berdi.

Shuningdek, turli sohalardagi fundamental va innovatsion tadqiqotlar uchun grant mablag'lar ajratish mexanizmini takomillashtirish hamda ilm-fan yutuqlarining elektron maydonini yaratish, zamonaviy ishlanmalar bazasini shakllantirish muhim vazifalar sifatida belgilandi. Bundan tashqari, jamiyat tizimida faoliyat ko'rsatayotgan yosh mutaxassislarni chet ellarda o'qitish va malakasini oshirish 2020 yilgi ustuvor vazifalardan ekanligi ta'kidlandi. Asosiy maqsadimiz – hammaga ayon: Birinchi prezidentimiz ta'kidlaganidek, farzandalimiz bizdan ko'ra aqli, bilmli bo'lishi va bizdan ko'ra, albatta, baxtli yashashi kerak. Chunki yoshlar – bizning tayanchimiz, ertangi kundan umidimiz, savob ishlarimizning davomchilaridir.

Xulosa qilib aytganda, biz – istiqlol farzandlari, butun dunyoni qalami ila tebratgan, insoniyat tarixida o'z aql-u zakovati, ilm-u ma'rifati bilan o`chmas iz qoldirgan ajdodlarimizga munosib avlod ekanligimizni namoyon qilgan holda, ilm tug'oni-la jahonni larzaga solgan, dunyo olim-u fuzalolarini bir joyga jamlay oladigan Ma'mun akademiyasi kabi ilm maskanlarini yaratadigan chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi –ma'nан barkamol shaxs sifatida kamolga yetishimiz lozim.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Safo Ochil «Mustaqillik ma'naviyati va tarbiya asoslari», T. «O'qituvchi» 1997 200-bet.
2. Karimov I. A. «Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz», T. «O'zbekiston» 2000 494-b.
3. Abu Nasr Forobiy «Fozil odamlar shahri» T. «G'afur G'ulom» 1993.
4. N. Jo'raev. SH. Azizov. «Ijtimoiyat asoslari». T. «Ma'rifat-Madadkor» 2003.
5. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar.(darslik) T.: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati», 2003 yil.

<sup>19</sup> <https://spaces-blogs.com/diary/read/user/sayfullax/2044588510/>

6. Karimov I. A. «Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch” – T. « Ma'naviyat» 2008 yil.
7. Karimov I. A. « O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida» T. «O'zbekiton» 2011 yil.
8. Karimov I. A. «Jamiyatimiz mafkurasi xalqni xalq, millatni millat qilishga xizmat etsin» T.: «O'zbekiston», 1998.

Mahmudova Nilufar Muratovna  
Uzbek State World Languages University  
(Tashkent, Uzbekistan)

## TEACHING SPANISH AS A SECOND LANGUAGE BASED ON A COMMUNICATIVE TEXTUAL PROGRESSION TECHNOLOGY

**Abstract:** In this paper the basic characteristics of a new approach based on a textual progression are discussed. Textual progression essentially encompasses a gradation criterion based on thematic and pragmatic relevancy, the development of a communicative competence adapted to the situation, the context under consideration of different communicative intentions and types of text, as well as different themes, related to the learning needs of the students in question. A written text, –complex and finished, that includes all kinds of linguistic materials– is one that inspires the reader to think about the different linguistic, cultural or other aspects that it brings to light.

**Key words:** textual progression, autonomy, strategies, reading comprehension.

### INTRODUCTION

We cannot deny that the real needs our students have today when learning a second language have to do with personal aspects as well as professional ones. Currently, the Spanish language is studied for more reasons than just going to the supermarket or going out to a party ("fiesta"), in other words, to meet personal needs. Every day, more and more young people approach learning Spanish with professional aims, as they want to secure a future with bigger and better work opportunities, causing Spain and Latin-America to become possible places of work. In this way, Spanish with a specific purpose has made a significant impact in the classroom. We can study specific subjects for specific professions, such as Spanish for business, Spanish for medicine, Spanish for tourism, and so on.

It is clear that language-teaching methodology has been changing over the years. For a long time, we have been using behavioral methods such as the traditional, structuralist and audio-lingual methods, and then we used cognitive methods such as the communicative method or an approach based on tasks. The latest tendencies try to include all these methods and present an eclectic methodology, centered on the student and encouraging his independence.

In this paper, in which we present a section of a complete didactic unit for Spanish as a Second Language (2L), we have followed a new approach of teaching titled *Collage*. This method has all of the above characteristics and moreover they are treated in an innovative way, as we will see in the following pages.

### CHARACTERISTICS OF THE COLLAGE METHOD

First of all, we must explain a basic concept for the comprehension of this method: textual progression (Möller, 2001). Textual progression is a new way of understanding how to teach a second language. It is based on a gradation criterion based on thematic and pragmatic relevance. It is important to stress that we only work with authentic, complex and complete texts. They include all kinds of linguistic and original<sup>3</sup> materials because this method is not based on a grammatical

progression, but on a thematic, pragmatic and textual progression. On the one hand, the selection of the texts is made according to the student's world knowledge, his Mother Language (ML) and his knowledge of other Second or Third Languages (2L, 3L). The selection is also in some way based on the texts with which we gradually work.

On the other hand, it is the student who determines his progression, not only grammatically speaking, but also in a lexical way. Thus, the student determines his own grammatical and lexical advance, subtly guided by the texts. Nevertheless, the selection of the texts also determines all these aspects.

The starting point of the whole learning process is reading comprehension, and it will always be a written text that inspires the selection of all the other aspects: linguistic, cultural, and so on. But this is only the starting point – this is not a reading course because at the same time other skills are exercised: listening comprehension (with a video or CD), oral skills (conformed to the texts and other possible situations in the class) and writing activities to transfer passive knowledge into active knowledge. Lockhart suggests in relation to vocabulary that:

[...] written communication offers the student a situation that facilitates the transfer of passive vocabulary into active vocabulary. If the student rarely writes in the 2L [...] it is likely that he will transfer very little passive vocabulary into active vocabulary. (Lockhart, 1993:28)

### **CHARACTERISTICS OF THE STUDENTS AND LEARNING OBJECTIVES**

The group of students, to whom the activity is directed, has the following characteristics:

1. A homogeneous group of adults
  2. Students with some knowledge of English
  3. Students without prior knowledge of Spanish
  4. Students who have very little time to reach a high level of linguistic competence
  5. Students who wish to learn Spanish to gain another tool to compete in the job market, to increase their opportunities in the professional, economic, social or sociopolitical sphere, etc...
- Our goal is for our students to be able to apply –in the shortest time possible– the knowledge of the new language to complex communicative situations, considering the possible intercultural differences at every level (different behaviors, interpretations of reality, textual characteristics...).

We also hope that the students will have a command of the 2L to be in possession of a great amount of information related to any aspect that may be of interest throughout life, and not only at everyday levels.

It is advisable that the group be homogeneous, that is, that they all share a common language, in our case English, whether it is the 2L or ML. The influence of the ML in SLA (Second Language Acquisition) is a fact we cannot deny. However, we should try to make a rational use of the ML in the 2L class, using the ML as a work tool. Bachmann (1994), Hurtado (1994) and Valero (1996) have also discussed the integration of the ML from the beginning because they think that the student is more dependent on it during this stage. Thus, it is not necessary to force the student to speak in the new language from the beginning, but only when he feels ready to express himself in the 2L6.

The main assumptions made in our research are:

1. The global component of discourse is the core aspect of the linguistic competence.
2. Increased global discourse competence has a positive effect on the overall communicative competence.
3. Overcoming the traditional teaching methods at schools through a context-based methodology improve classroom management and students' participation.

**REFERENCES:**

6. Little, D. (1997). "Autonomy and self-access in second language learning: some fundamental issues in theory and practice" in MÜLLER-VERWEYEN, M. (Ed.): Neues Lernen, Selbstgesteuert, Autonom. 33- 44.
7. Lockhart,W.F. (1993). "Estrategias de comunicación, estrategias de aprendizaje y transferencia de vocabulario pasivo a activo" in BRUTON,A./SIBÓN,T.G./MANCHÓN, R.M.(Eds.). Serie sobre estrategias de aprendizaje y el uso del lenguaje. 21-30.
8. Krashen, S. (1977) "The Monitor Model for Second Language Performance" in Dulay, B. & Finocchiaro (eds.) *Viewpoints on English as a Second Language*. New York. Regents. Translated on Liceras, J. M. (1992).
9. Qian, D. (2002). "Investigating the relationship between vocabulary knowledge and academic Reading performance: An assessment perspective", *Language Learning*, 52/3: 513-536.

**Sodaliyeva Sayyora Oqiljon qizi, Umarova Sohiba Odilovna  
Namangan davlat universiteti  
(Namangan, Uzbekistan)**

## KIRITMA KONSTRUKSIYALARING ILMYI MATNDAGI O'RNI

**Annotatsiya:** ushbu maqolada ilmiy matnlardagi kiritma konstruksiyalar leksik-grammtik xususiyalari haqida fikr yuritildi.

**Kalit so'z va iboralar:** matn, ilmiy matn, kiritma konstruksiya, uslub, termin.

Tilning juda murakkab va o'ziga xos sathlaridan biri, shubhasiz, uning sintaktik sathidir. Sintaktik sathdagи birliklarning mohiyati, tabiatи, o'zaro aloqalanish va munosabatga kirishish mexanizmlari til haqidagi fanning, xususan, sintaksisning markaziy masalalari sifatida o'rganib kelinadi. Sintaktik strukturadagi aksariyat birliklar va ularning o'zaro munosabatini talqin qilishda tilshunoslikda anchayin umumiy, yaqin bir fikrga kelingan bo'lса-da, mazkur sathda alohida o'r'in tutadigan kiritma konstruksiyalar masalasida boshqa tilshunosliklarda ham bo'lgani kabi o'zbek tilshunosligida hali tamoman bir to'xtamga kelingan emas. Holbuki, tilning kommunikativ-sintaktik strukturasini, yana ham aniqrog'i, matn sintaksisini mukammal tavsiflash va tasvirlash uchun kiritma konstruksiyalar hodisasini chetlab o'tishning aslo imkoniy yo'q. Buning ustiga, ilmiy matn sintaksisida ham parantez birliklar alohida o'ringa ega.

Bugungi kun tilshunosligida matn tilning alohida yirik birligi (supersintaktik butunlik) va matn tilshunosligi deb atalayotgan sohaning asosiy obyekti sifatida talqin qilinadi. Matnni tadqiq etishda uni so'z birikmasi va gapdan farqlash lozimligi, matnning ham o'z kategoriyasi va qonuniyatlar borligi aytildi.

Tabiiyki, tegishli nutqiy muloqot ehtiyoji va talabiga muvofiq gapning (yoki matnning) hajmi, strukturasi, modal-kommunikativ, badiiy-estetik jihatlari turlicha bo'lishi mumkin. Ana shu ehtiyoj va talabga uyg'un ravishda nutqiy jarayonda jumla ixchamlashishi, kengayishi, odadtagi shaklini saqlagan holda mazmun sig'imini orttirishi, turli qo'shimcha axborotni o'z ichiga olishi, ifodalananayotgan fikrga so'zlovchining munosabatidagi o'zgarishlarni turli darajada aks ettirishi, yaxlit yoki muayyan bir qismining ayricha ta'kid olishi kabi juda ko'p xilma-xil hodisalar mavjudki, ular turli sintaktik usul va vositalar orqali voqe bo'ladi. Masalan, ikkinchi darajali prediksatsiyali konstruksiyalarning sodda gapga kiritilishi bilan gapning odadtagi shakli saqlangani holda uning mazmun sig'imi ortadi va gapda shakliy-mazmuniy nomutanosiblik yuzaga keladi, bu va shunga o'xshash qonuniyatlar o'zbek tilshunosligida N.Mahmudov tomonidan tadqiq etilgan.<sup>20</sup> Uning asosiy maqsadi ilmiy matn va uning birliklari orasidagi mazmuniy munosabatni ifoda etuvchi bog'lovchilar, ularning o'ziga xos xususiyatlari va vazifalarini aniqlashga yo'naltirilgan ishlarga hissa qo'shish, ilmiy matnda muallifning xususiy munosabati hamda uning turlarini belgilash"dan iborat bo'lgan nomzodlik dissertatsiyasida

<sup>20</sup> Mahmudov N. M. O'zbek tilidagi sodda gaplarda semantik-sintaktik asimmetriya. – Toshkent: O'qituvchi, 1984

o'zbek ilmiy matnining sintagmatik va pragmatik xususiyatlarini boy faktik materiallari asosida batafsil taddiq etgan.<sup>21</sup>

Mazkur usul va vositalardan yana biri kirish va kiritmalardir. Bunday birliklar, shuningdek, ajratilgan bo'laklar, undalmalar, aktual bo'laklanish, gapning kommunikativ tiplari, ilova konstruksiyalar, parsellyasiyalar va boshqa shu kabi hodisalar kommunikativ sintaksis kategoriyalari sifatida turli tilshunosliklarda qayd etilgan. Xususan, kirish va kiritmalar ilmiy matnda jiddiy kommunikativ va ayni paytda semantik, struktur qimmatga egaligi bilan alohida diqqatga sazovordir.

Ilmiy matn badiiy matndan farqli o'laroq mantiqiy taffakkur mahsuli bo'lgani bois uning tarkibidagi birliklar munosabatida ham bir qator o'ziga xosliklar kuzatiladi. Shuning uchun taddiqotimizning bu qismida ilmiy matn tarkibida kiritmalar o'rni haqida fikr yuritamiz.

